O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил. 15 июн | 24 (197)- сон

Барчага мана шу оддий ҳақиқат аён бўлиши керак: ўз тақдирини ўз қўлига олган, эркинлик ва мустақиллик ҳавосидан бир бора кўксини тўлдириб нафас олган, танланган тараққиёт ва фаровонлик йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган ҳар қайси одам ва бутун бир халқ ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмайди.

Ислом КАРИМОВ
«Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда».

## ИСТИҚЛОЛ: 8-ДОВОН



**Кўҳна ва янги замон**
**Суратда: Самарқанд шаҳридаги Регистон ёдгорлик мажмуи.**

Эй сорбон, ортингда борар карвон, юриб турсин!
Бу юрак, бу ишонч доим ёниб, уриб турсин.
Ўт тушиб ичига, ҳасад бирла боқиб сангa.
Оромин йўқотиб гарчи итлар минг хуриб турсин.

Кўзланган манзил ҳам яқин қолди, билинг дўстлар,
Аллоҳдин сабр тилаб оқин қолди, билинг дўстлар.

Биз ўтган йўлларда чақин қолди, билинг дўстлар,
Адашганни ҳар вақт тўғри йўлга буриб турсин!

Биз ўтсак, биздан сўнг қолар Ватан обод бўлса,
Ўтганлар руҳи шод, улуғ Турон абад бўлса,
Аллоҳим қўлласа, эл ҳам бир-бирга мадад бўлса,
Етгаймиз биз албат, жумла жаҳон кўриб турсин!

Зуфар УСМОН

*Озод Ватан нафаси*

## БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ...

Озод Ватанда озод инсон бўлиб яшамоқ осон эмас. Бу бахт — кучли инсонлар қисмати. Кучли яшаш учун эса муттасил равишда озод одам руҳий қувват манбаларини излайди, ўз қалбига қувват йиғади.

Президентимиз айнан шунинг учун миллатимизнинг буюк ШАХСларини турли йиллар ва йўллардан қайтариб олиб келаяпти. Биз ҳазрати Амир Темур, Мавлоно Алишер Навоий, Улуғбек Мирзо, Бобур Мирзо дея бошлашимиз биланоқ ўша исмларнинг ўзидан жонимизга қудрат қуюла бошлайди. Ташқаридан қараганда, улар тирилаётгандек. Аслида биз тирилаяпмиз.

Куни кеча мамлакатимиз раҳбарининг Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис қилиш ҳақидаги Фармони эълон қилинди. Биз яна бир руҳий қувват манбаимиз мададга келганини ҳис қилиб турибмиз. Чунки жаннатмакон устозимиз миллатимиз тарихидаги энг қийин давр — қарамлик даврида яшади. Ирода, қатъият, сабот билан яшади. Зулфия опам бировга кўз ёшини кўрсатишни ўзига муносиб кўрмасди. Бировнинг олдида ялтоқланишни, паст кетишни ор деб биларди. Доим одамлар кўзига адл, мағрур кўринарди. Бугун бизга айнан шундай қудрат керак. Биз озми-кўпми қийналаётганимизни саботимиз билан енгмоғимиз зарур. Дунё кўзига тик, бутун кўринмоғимиз керак. Токи бизни шундай кўрганлар Озодликнинг энг катта бахт эканини туйсинлар. Мен Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилишида ана шундай бир зарурий эҳтиёжни ҳис этаман. Бу мукофот ёшларга — талаба, мактаб, лицей, коллеж ўқувчиларига берилади. Устозимиз истеъдодли ёшларни жуда қадрларди. Қайси қизда «йилт» этган истеъдод учқунини ҳис этса, ўша учқуннинг гурлаб ёниши учун астойдил ҳаракат қиларди. Биз ҳаммамиз Зулфия меҳрини кўрган авлодмиз. Энди келаётган синглларимизга устоз номидаги Давлат мукофоти ана шундай меҳрли нигоҳ бўлади, албатта. Бу мукофот Ватанимизнинг барча шаҳру қишлоқларидан яхшидан-яхши қизларимизни ахтариб топади, уларнинг сўқмоқларини кенгайтиради, катта йўлларга кузатади.

«Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси кенг жамоатчилик фикрини атрофлича ўрганиб, талабгорлар фаолиятини ҳар томонлама муҳокама қилиб чиқарган хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан берилиши белгилаб қўйилсин».

Фармоннинг барча бандлари каби шу бандида ҳам катта бир адолатни кўраман. Шўро давридаги шахсий садоқати, қариндош-уруғчилиги, яна аллақандай ҳислатларига қараб мукофот тақсимлаш анъанаси аста-секинлик билан ўрнини ҳақиқий танловга бўшатиб бераётгани бу. Чунки ошкор муҳокамаларда, кенг майдонларда мукофотларнинг чин эгалари топилади. Битта мукофотнинг ўз эгасини топиб топшириш, ҳатто уни унчалик хушламайдиган одамни ҳам «арзийди» деган эътирофга келтириш жамиятда мавжуд тузумга жуда катта ишонч уйғотади. Баъзан арзимагандек бўлиб туюлган бир дақиқалик бу воқеа бир неча йиллар қила олмаган ишни қилади. Айниқса, бундай адолат ёшларга зарур. Улар синмаслиги, уларнинг ишончлари бутун бўлиши керак. Чунки улар бизнинг энг шаҳдам сафимиз. Уларнинг юрагида ҳали алланечук ҳадиклар йўқ. Уларнинг юраги тўла муҳаббат, тўла шижоат. Рағбату мукофотлар ҳаммамиздан ҳам аввал уларга керак. Ҳар жиҳатдан олиб қараганда ҳам Ватан сарҳадларидан олис-олисларда ўзбеклар номини ўзи билан байроқдай кўтариб ўтган Зулфияхоним номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши катта қувончлар, катта хулосаларга арзийдиган ҳодиса. Устоз саксон ёшларини нишонлаш кунларида изларидан келаётган оташсўз қизларни «Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали» деб ёзгандилар. Илоҳим, Ватанимиз шу боғларнинг шовуллаб турганларини кўраверсин, уларга совуқ шамоллар ораламасин, гулларини тўкмасин. Нақшли мевалари ўзимизга, Ватанимизга буюрсин. Ҳар битта Ўзбекистон дея фидожон бўлган ўзбек йигит-қизлари жонидан шундай мукофотлар айлансин!

Чунки Президентимиз «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида айтганидек, «Жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиздир».

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

*Мулоқот дамлари*

## ҚАЛБ – ҲУРРИЯТ МАЙДОНИ

Бу галги учрашувимиз аввалги анжуманлардан ўзгача руҳда ўтди. Бухоро Давлат университетининг кичик залида «Оташюраклар» клуби аъзолари бизни саволларга кўмиб ташлашди. Шеър янграганда ўзлари шоирдай юксалиб тингладилар. Олий мозий ва келажак ўртасида Ипак йўли тушди. Университет ректори Комилжон Муқимов, профессор Наимжон Воҳидов сўзлари даврага шукуҳ берди. Ёшларнинг беназир олим Нажмиддин Комиловнинг «Тафаккур карвонлари» китоби хусусидаги теран мушоҳадаларини тингладик. Иймон-эътиқод ҳурлиги, миллий мафкуранинг бугунги ҳаётимиздаги етакчилик қудрати ҳақида талабалар тўлқинланиб сўзладилар. Фикрчан ёшларнинг ҳар сўзида равшанлик, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш иштиёқи бор экан. «Мафкура келажак ва ўтмиш ўртасида кўприкдир» деб номланган мулоқот-учрашув бизнинг қалбимизни ҳам бойитди. Инсон ҳамма замонда ҳурликка интилгани, ҳурлик эса ҳамиша иймон бутунлиги, эътиқоднинг поклиги, комилликка интилиш эканлиги суҳбатларнинг асл мазмуни бўлди. Нажмиддин Комиловнинг орифона суҳбати, Муҳаммад Юсуфнинг жозибали шеърлари даврага кўрк бағишлади. Шоира Шарифа Салимова ёшларнинг жамиятдаги ўрни, Ватан олдидаги бурчлари хусусида самимий чиқишлар қилди. Ёш шоира Нодира Афоқованинг шеърлари ҳаяжонга тўлдирди яна. Шиддат қайнаган бу тетик қалбларда истиқлол тақдирига пайвастлик, Туркистон тарихини саҳифама-саҳифа ўрганишга мойиллик туйғуси борлигидан суюндик.

### НУР МАЪРИФАТДАН КЕЛУР

Намозшом салқини, Лабиҳовуз сайлгоҳидаги лаҳзалар. Бухоронинг сукутга чўмган кўҳна минорлари ривоят айтади. Ҳар бир ғиштида бир тарих муҳрланган кўчаларда сирга асир бўлмай, вазмин тортмай бўларканми? «Бу кўчалардан бир бор ўтган, бу салобатли маҳзун минорларга, мунаққаш гумбазларга боққан одамнинг қалбига маърифат нури тушмай илож йўқ», — дейдилар олим ҳамроҳимиз. Лабиҳовуз салқинига ошиққан шаҳар аҳолисининг нигоҳида хотиржамлик бор. Кўкка тарвақайлаб кетган қари тутлар мусаввир чизган ҳайратнинг расмидай сеҳрлайди бизни. Сайёҳлар ўз тилларида чуғурлашади. Олимнинг рафиқаси дастурхондаги мевалардан олиб сайёҳларга илтифот қиладилар. «О кей, бютифил» дейди улар. Ўзбек тупроғи саховатидан бир ҳайрон улар, меҳмоннавоз ўзбек аёлининг лутфидан минг ҳайрон улар. Баланд тутнинг елкаларига фаришталар, жаннат қушларидай болакайлар «ўрмалаб» чиқиб Лабиҳовузга «калла» ташлайди. Ҳовузда эмин-эркин сузиб юрган ўрдаклар билан мусобақа ўйнайди. Атроф тўла томошабин. Сокин ва осойишта туннинг файзи, тароватидан кўнгилларга илоҳий нурлар инади. Бу дилбар лаҳзаларнинг дояси юртимиздаги тинчлик, бирдамлик, Аллоҳга шукроналик эмасми?

**Давоми иккинчи бетда**

## ИЛМ ҲАҚИДА

**Илм ўрганиш ҳар бандаи мусулмон учун фарздир. Ноқобилга илм ўргатиш тўнғизнинг бўйнига дуру жавоҳирлар осган билан баробардир.**

**Ҳадиси шарифдан**

•

Яхши одам илм ўрганиб тавозега эришади, ёмон одам илмга эга бўлса ҳам манманликка юз тутади.

**Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ**

•

**Чироқни ёққандан сўнггина у нур таратади, худди шу сингари амалсиз илмдан ҳам фойда йўқдир.**

•

Илмнинг ҳикмати амалда, қилинган яхшиликнинг ҳикмати уни миннат қилмасликдадир.

•

**Илмга эга бўлиб унга амал қилмаган инсонни ерни шудгорлаб унга уруғ сепмаган деҳқонга ўхшатса бўлади.**

**Шайх Саъдий**

•

Пулга китоб сотиб олса бўлади, аммо илм сотиб ололмаймиз.

**Суқрот**

•

**Илмсиз билан жаннатда ўтиргандан кўра илмли билан қамоқда ўтирган яхши.**

**Ҳазрати Абу Бакр бин Довуд**

•

Донишманд бўлай десанг, одоб-ахлоқ ҳақидаги эски китобларни ва илм-фанга тааллуқли янги китобларни мутолаа қил.

•

**Таълимдан олдин тарбияни ўйланг, пишиқ бўлмаган пойдеворда иморат турмайди.**

### «МТ» ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***Ҳурматли обуначилар! «Миллий Тикланиш» газетасига 1999 йил учун ҳафтада икки маротаба чиқади деб обуна бўлган муштарийлар, обуна абонент карточкасини ташламаслигини илтимос қиламиз. Газета ҳафтада бир маротаба чиқиб турганлигини инобатга олган ҳолда муштарийларга қилинган обуна муддати узайтирилиб берилади.***

***Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй (Олой бозори ёнида).***

***«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» ЁАЖ***

•

Катталар билан ўтирганингдан улардан нимандир ўрган, кичиклар билан ўтирганингда уларга нимандир ўргат.

•

**Ҳар бир одам бамисоли қалин китоб, фақат уни ўқий билиш керак.**

**Вилям Алмейри**

*Афкор дурдоналари*

•

Бир эркакка илм ўргатиб, сиз бир кишини саводхон қиласиз, бир аёлга илм ўргатиб эса бутун бир оилани саводхон қиласиз..

**Илм молу-давлатдан афзалдир, чунки давлатингни сен қўриқлайсан, илм эса сени қўриқлайди.**

•

Одамларда илмга қизиқиш сўнганининг боиси шундаки, жуда кўп олимлар ўз илмларига амал қилмайди.

•

**Кимки илм ўрганмаган бўлса, билингки, у етим экан.**

Илмнинг бойликдан устунлиги яна шундан ҳам иборатки, бойликни гўрга олиб кетмайсан, илмни олиб кетасан.

**Ҳазрати Али Муртазо**

•

**Йилнинг ҳар бир фаслидан баҳор саси келади, яъни инсон ўз умрининг ҳар бир даврида илмдан баҳраманд бўлиши мумкин.**

**Суқрот**

•

Осмонни юлдузлар, ерни эса илмли инсонлар безар.

Қуёш чарақлайдиган жойга ҳам тун қоронғулиги етиб келиши муқаррардир, бироқ илм нури тушган ерни жаҳолат зулмати ҳеч қачон қоплай олмайди.

•

**Арабча мақол: «Навм ал-аалими афзал мин ибадатил жаҳили», яъни «Олимнинг уйқуси жоҳилнинг ибодатидан афзалдир».**

**Тўпловчи: Шароф МИРЗАЕВ**

## ЛОНДОНДА НАШР ЭТИЛГАН КИТОБ

### ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Биз ўзлигимизни англаш жараёнида миллий ғururнинг кўтаринки ва илиқ туйғуларини туйиш имконини берадиган ҳодисалар силсиласи даврида яшамоқдамиз.

Ана шундай ифтихор билан эслайдиган давримизга хос ҳодисалар ичида айниқса ўзбек фанининг дунё миқёсидаги ютуқлари янада улуғроқ, янада азизроқ кўринади. Чунки илм-фан чексиз, бепоёндир. Илм — замон, макон ва миллат танламайди. Унинг мезони бир — истеъдод.

Шу боис миллат, замон ва макон сарҳадларини истеъдод ўқи билан ёриб ўтиб, дунё фани ривожида ном қолдира олган ўзбек олими шарафи нафақат ўзига, балки миллатига ҳам даҳлдордир.

Лондондаги Гарнет Паблишинг Лимитед нашриёти томонидан нашр қилинган шарқшунос олим, Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Калифорния Халқаро фан, индустрия таълим ва санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси, Жанубий Кореянинг Сен-Кул университети фахрий доктори, Халқаро ал-Баптин жамғармасининг Имом ал-Бухорий номидаги мукофоти совриндори Неъматулло Иброҳимовнинг «Ибн Баттутанинг Ўрта Осиёга саёҳати» номли монографиясининг биринчи бор инглиз тилида нашр қилиниши, албатта фанимиз солномасида аҳамиятли ҳодисадир.

**Давоми иккинчи бетда**

## ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

**Серёғин баҳор ўтиб, сахий ёз ташриф буюрмоқда. Ёз фаслининг биз учун аталган ноз-неъматлари қаторида бир мунча юмушлари ҳам бор. Жумладан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ажралмас бир қисми бўлмиш таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш йўлида олиб борилаётган муҳим ишлардан бири ўқувчи ўсмир ёшларнинг ёзги таътил жараёнида ҳордиқ чиқаришларини оқилона таъминлаш этишдан иборатдир. Ўсиб келаётган ёш авлод вакилларининг ёзги таътилда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун уларни оромгоҳ ва сиҳатгоҳларга йўналтириш ҳам шундай масалаларнинг биридир.**

**Айни кунларда оромгоҳларни таъмирлаш ва ўқувчиларни қабул қилишга доир тайёргарлик ишлари қизғин кечмоқда. Бу йил Сурхондарё вилояти бўйича 63та оромгоҳда 18500 нафар болалар ва ўсмирларни дам олдириш ва соғломлаштириш режалаштирилган.**

**Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши бу борада барча сарф-ҳаражатларни ҳисоблаб чиқиб, ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 51 миллион сўм миқдорида пул ажратадиган бўлди.**

**Ўтиш даврининг айрим иқтисодий тақчилликлари туфайли оромгоҳлар ва қабул қилинадиган ўқувчилар сони ўтган йилга нисбатан анча камайди. Бу асосан мактаблар қошида ташкил этиладиган оромгоҳлар ҳисобига қисқартирилмоқда. Лекин бу тарзда ташкил этилаётган кундузги оромгоҳлардаги шарт-шароит ҳамон зарурий талаб даражасида бўлмаётир. Масалан, ўтган йили Шеробод тумани бўйича режа 88 фоизга, Узун тумани бўйича 89,3 фоизга, Бандихон туманида 90 фоизга, Бойсун туманида 91,5 фоизга бажарилган. Бу эса вилоятда ҳалигача оромгоҳлар фаолиятини такомиллаштириш ва ўқувчиларни соғломлаштириш борасида жиддий бош қотирилмаётганлигидан далолатдир. Бир йил давомида оромгоҳларнинг ўқувчиларни қабул қилиш қуввати 24431 нафардан 18500 нафарга тушиб қолиши ҳам бунга мисол бўла олади.**

**Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, дейдилар. Шу масалага бевосита масъул идора мутасаддилари келажак авлодларнинг ҳам манфаатларини кўзлаб иш юритади деб умид қиламиз. Ҳуда-беҳуда «ҳаво»га сочилаётган маблағларни тежаб, шу ҳақда бош қотирсак ёмон бўлмасди.**

**Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОД**
**«МТ» мухбири**
**Сурхондарё**

# ҚАЛБ — ҲУРРИЯТ МАЙДОНИ

Боши биринчи бетда

Университетнинг талабаёшлари, фозил олимлари жам бўлган улкан даврада имтиҳон залига киргандай сезамиз ўзни. Бизнинг фикрларимизни ёшлар тўлдиришади: Азизов Илёсжон 16 феврал воқеалари ҳақида фикрини билдирса, Рустамов Жаҳонгир Ўзбекистон мустақиллигини орзу қилгани учун «халқ душмани» сифатида отилган Файзулла Хўжаевнинг ўлмас сиймоси хусусида сўзлайди. Асадов Мақсуд, Рўзиева Сурайё, Қурбонова Ойдин, Икром Асадлар шеър ўқийдилар. Ёш шоира Дилором Ҳамроева бир даста машқларини бизга ўқишга узатади. Ўзлигини англаётган, қадрини тиклаётган халқнинг болалари шундай фикрчан, юрагида айтар гаплари кўп бўлади.

Садриддин Салим, Илҳом Ғани суҳбатлари мароқ билан тингланди. Обод бўлган, яшарган Бухоро, Фитратлари, Файзулла Хўжаевлари ёруғ юз билан бағрига қайтган Бухоро! Дарвозаларидан етти иқлим элчилари кириб келаётган Бухоро! Уйғоқлигингдан севиндим!

Талабалар уюштирган «Санамлар сарвари» кўриги ғолибаси Нилуфар Эрназарова Найман Она тимсолида саҳнага чиқади. «Отангнинг оти Дўнанбой! Сен Жўломонсан! — нидо қилади у Манқурт ўғлига. Лекин мияси заҳарланган, онасини унутган, хотираси куйдирилган ўғил она кўксига тиғ урадди. Она ерга қулагач, олислардан нидо келади: Отангнинг оти Дўнанбой! Сен Жўломонсан, Жўломонсан!..» Юраклар титраб кетади.

«Оҳ» дейман, 16 феврал воқеаларида иштирок этган гумроҳларни эслаб... Онасига қўл кўтарганлар, Она юртнинг нон-тузига тупурган бадбахтлар! Озодлик ва мустақиллик тимсолига айланган азиз Президентига ёмонлик соғинган манқуртлар! Онангиз сутини ерга соққанмиди? Онага қўл кўтарганни, юртнинг ҳурлигига тажовуз қилганни икки дунёда тангри кечирмас. Саҳна сўнггида Руҳилло ёшларни ҳушёрликка чорлайди. Васваса хаёл, модаркушлик, падаркушлик одам боласини йўлдан оздирмасин дейди... Улуғ башоратчи ёзувчи Чингиз Айтматовнинг ушбу асари ғафлатзадаларни уйғотувчи овоздай қулоғимизда турсин, дейди. Уч соатлик суҳбат, мушоира, мусоҳаба ёшларни улғайтиргандай...

Ўша куни Бухоро вилоят ҳокими Самоиддин Ҳусенов бизни суҳбатга чорлади. Пилламиз яхши бўлди. Режани бажардик. Ғалламиз ҳам дуруст. Пахтамизга кўз тегмасин. Халқимиз туну-кун меҳнат қилаяпти. Бу йилги ҳосилдан умидимиз катта, деганда биз ҳам яхши ният қилдик.



## ЧАРЧОҒИМИЗ ТАРҚАДИ

Бухоро туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигининг баҳаво боғи. Аёллар, ёшлар, кексалар, навраста қизлар жам.

Микрофонсиз ўқилган шеърлар очиқ ҳавода жаранглаб дилларга майинлик бахш этарди. Офтобда қорайган юзларда ҳаяжон ва завқ нишонаси.

Ҳазрат Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Сўфи Оллоёр, Жалолиддин Румий, Машраб, Фитрат, Беҳбудий, Чўлпон, Усмон Носирлар дунёси ҳақида сўйларкан, Нажмиддин Комиловнинг фикрларини жон қулоғи билан тинглаган жамоа аҳли, зиёлилар талабага айланадилар. Иқтидорли болалар лицейи раҳбари Зарипов Омон ака шоирона фикрлайди. Жамоа раиси М. Аҳмедов таъби назми баланд киши экан. 3 минг тоннадан ошиқ ғалла йиғиб олганини айтиб, ризқимиз меҳнатимизга, ниятимизга яраша бўлаяпти деб қўяди. 6 минг тоннача пахта берамиз. 17 минглик аҳолининг 9 мингига яқини хотин-қизлар. Уларга енгилликлар яратишни қарзимиз биламиз. Давлатга 35 тонна пилла топширдик. Режа 145 фоиз бўлди. Иссиқхонамиз бор. Унинг 5 гектари лимонзор, 1 гектарига кўкатлар экамиз. Гулкўчатлар қилиб шаҳарга сотамиз. Университетга ҳомиймиз. Маърифатпарварларга қўлдан келганча ёрдам берамиз. Ўзимиз ҳам санъат шайдоси. Мана ўринбосаримиз Сафо ака Шарипов бир қўшиқ айтиб берсинлар. «Мен пахта режаси бажарилганда келсангиз қўшиқ айтиб бераман», дейди раис очиқдиллик билан.

Сафо Шарипов Ҳамид Олимжон ғазалларидан куйлайди. Даврага шукуҳ киради, «Гулхайри» дастаси хонандаси Бешимжон Ҳожиев катта оҳангда «Қурбон ўлам» қўшиғини бошлайди. Халқ истеъдодларга кон экан-да. Туман ҳокими ўринбосари Саддриддин Шаропов шеърпараст ёшлардан экан. «Саодат»нинг обрўси яхши. «Гулчеҳралар»га қизларимиз обуна бўлишаяпти дейди. Миллий Тикланиш демократик партиясининг туман бошланғич қўмитаси бошлиғи Зарипов Омон ака партия ишларини жонлантиришга интилишаётганини таъкидлайди. Учрашувдан сўнг қизлар, аёллар бизни ўраб олишади.

— Пилладан чарчаб чиққан эдик. Чарчоқларимиз тарқаб кетди. Яйраб дам олдик. Тез-тез келиб туринглар, соғинтирманглар, — дейишди қизлар. Рости биз ҳам шундай давраларни, шундай олийжаноб, меҳнаткаш одамларни соғинган эдик.

Биз меҳнатдан толмаймиз — биз уруш йилларининг қаттиқ-қийин дамларини, оғирчиликларини кўп кўрганмиз. Тонна-тонналаб пахта терганмиз. Бир чигитлаб йиғиб, режа тўлмаганда томлардаги ғўзапоялардан «милт» этган оқ чигитни йиғиб берган йиллар азобини унутмаймиз. Кўрпаларимизни сўтиб, пахтасини режа тўлмаганига олиб берганмиз. Энди косамиз оқарди. Мажлисларимизда оғиз тўлдириб она тилимизда гапираяпмиз. Муқаддас зиёратгоҳларда ибодат қилиб келаяпмиз. Буларнинг барчаси Президентимизнинг шарофатлари билан бўлди. Баракa топсинлар. Бизнинг дуоларимиз доим юртбошимизни асрасин. Кўнгли бузуқ, нияти бузуқлардан ўзи асрасин... — аёллар шундай дейишди куюниб.

Бухоронинг жонбахш тунида вилоят ҳокими ўринбосари Маҳбубахон Содиқова ва Нуриддин Очиловлар бизни «Имом Бухорий фавворалари» салқинига таклиф этадилар. Қандингни ур, ўзбек, сайлгоҳ бўлса, файзли гўша бўлса, бола-бақранг билан кечки саёҳатга чиқишни ҳам ўрнига қўяркансан! Фавворалар салқин сочади. Улардан ҳаловатли нур таралади. Болакайлар ўрдакдай тош ҳовузда чўмилишган. Ширин ҳолва, бодроқ, салқин ичимликлар сотаётганлар атрофида одам ғужғон. Салқинлаб, Хотира майдонига келиб қоламиз. Рамзий Офтоб дарвозаси Бухоро Аркининг устунларидай вазмин лавҳаларда мангу навқирон номлар порлайди. Рўпарада Бухоролик жафокаш Она. Либослари, сочларининг ўрамаси устидаги пешонабандлари гўзал. Онажон-а, бағрингдаги ойдай тўлиб турган болакай келажакми? Бухорийнинг ҳур фикрли янги наслими? Файзулло, Фитратларнинг орзуларин замонга эгалик қилиш учун камол топаётган ўспирин ўғлингми? Номсиз тепаларда, дунёнинг оловли жанггоҳларида ўққа учиб, шаҳидлик мақомини олган ўн олти минг фарзандингни бағрингга қайтариб берган улуғ ҳалоскорингга чексиз миннатдорлик уқаман, салобатли қиёфангда, Онажон! Бағринг доғларига малҳам топдингми? Сукунат аро, жимлик аро хўрсиниқ ва шукрона сезаман...

Қувончданми, соғинчданми, овунчданми кўзларимга ёш қалқади. Бухоронинг сўлим, хузурбахш оқшоми кўнглимизга ҳарорат ва илҳом ҳайратларини солади. Гўзаллик билан учрашув, ёшлар билан мулоқот тарих ва келажак билан рўбарўлик кўприги устида ўз қалбингга, замондошларинг қалбига боқиш нақадар фараҳли. Нақадар масъулиятли!

Замон даъваткор, жарчи бўлишни, оташюраклар шиддатини талаб қилаётир.

Комил пирлар айтади: одамнинг қалби ҳуррият майдонидир. Бу майдонни ғаразли фикрлар, чиркин ниятлар эгалламаслиги учун доимий курашда бўлайлик. Бедор бўлайлик. Юрт истиқлолида миллат озодлигида ҳуррият майдони энди бизнингдур.

**Ойдин ҲОЖИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоираси**

---

*Саёҳатнома*

# ИЗЛАРИН ИЗЛАДИМ ИШОНЧ ИЛКИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингандан кейинги йилларда миллий қадриятларимизни тиклаш ва аждодларимиз меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг давоми ўлароқ она Ватан тарихини чуқур ўрганиш орқали ўзлигимизни англашга кенг имкониятлар яратилди.

Андижонда ўзбек халқининг улуғ ўғлони, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли Халқаро хайрия жамғармасининг тузилиши яратилган имкониятлар уфқининг нақадар кенглигидан ёрқин далолатдир. Жамғарма қошида ташкил қилинган Халқаро илмий экспедиция бир неча марта чет эл сафарларига чиқиб, қисқа вақт ичида улкан ишлар қилиб улгурди. Экспедиция 10 дан ортиқ мамлакатда бўлиб, 200 минг километр йўл босиб ўтди. Сайёҳат натижасида Бобур, Беруний, Машраб, Ал-Фарғоний қабрларининг ҳоки ватанга олиб келинди. Бобурнинг рамзий қабри тикланиб, халқимизнинг зиёратгоҳига айлантирилди.

Ушбу саёҳат юзасидан экспедиция қатнашчиларидан иқтидорли ёзувчи Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома» китоби, Сайфиддин ҳожи Жалилов ва Қамчибек Кенжанинг эсдалик мақолалари эълон қилинди. Шунингдек, ўтган йили «Ёзувчи» нашриётида экспедиция раҳбари, табиатшунос олим Зокиржон Машрабовнинг ўз ҳамсафари, тарихчи — журналист Собиржон Шокаримов билан бирга ёзган «Асрларни бўйлаган Бобур» номли сафар таассуротлари чоп этилди. Ушбу китобни ўқиган киши бир қатор мамлакатларга сафар қилгандек бўлади.

Асарда 1992 йили 14 кишидан иборат илмий экспедиция аъзоларининг Эрон, Туркия, Иордания, Сурия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон ва Афғонистон бўйлаб қилган сафари ҳақида, шунингдек, 1993 йилги Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон бўйлаб юрган йўллари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади. Китобда темурийлар ва бобурийлар даврига оид маъмурий обидалар тарихи, уларнинг бугунги ҳолати ҳақида ҳам жуда қимматли маълумотлар бор. Сайёҳ олимлар темурийлар ва бобурийлар сулоласи вакиллари ва уларга замондош бўлган алломалар, шаҳзода, олим ва шоирларнинг мақбараларини зиёрат қилдилар. Хусусан, Бобур салтанатининг дастлабки пойтахти Агра, сўнгра бобурийлар давлатининг пойтахти Лоҳур, шунингдек, бугунги Деҳли, Ҳирот, Балх шаҳарларида бобурийлар томонидан бунёд этилган тарихий ва меъморий обидаларнинг бугунги кунда кўз қорачиғидек асраб-авайланаётганлиги, бобурий шаҳзодалар фаолияти ва шахсиятига маҳаллий халқнинг меҳр-муҳаббати мароқ билан баён қилинган.

Китобнинг Балх шаҳрига бағишланган бобида кўпчиликка маълум бўлмаган қизиқарли маълумотлар келтирилади. Очиғини айтганда, Ҳирот ҳақида, у ерда мангу ором топган улуғ Навоий, Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Саъдриддин Кошғарий, Абдулоҳ Ансорий ва бошқа буюкларимизнинг мақбаралари ҳақида кўпчилик деярли билмас эди. Сайёҳлар булар ҳақида ғоят самимият билан зарур хабарлар беришган. Китобнинг «Панипат қиссаси» боби ҳам қизиқиш билан ўқилади. Унда 1525 йили бўлиб ўтган бу жанг ҳақида, Ҳиндистоннинг улуғ фарзанди Жавоҳарлаъл Неру ташаббуси билан барпо қилинган ёдгорлик боғи ҳақида ўқувчиларга кенг маълумот берилган. Шунингдек, ҳайдарободлик сўнгги бобурийлар авлоди ҳақида берилган хабарлар ҳам диққатга сазовордир. Экспедиция аъзоларининг Бобур авлоди хонадонида бўлгани, сўнгги бобурий Лайло Уммахоним, бу онанинг фарзандлари Зиёвиддин ва Шужоиддинлар билан бўлган самимий суҳбатлар ўқувчи хотирасида сақланиб қолади.



Муаллифлар китобнинг тарихий қисмини ёзишда «Бобурнома»га кўп мурожаат қилганлар, сафар мобайнида кўрган-кечирганларини, тўплаган маълумотларини асл маълумотлар билан таққослаб ва шарҳлаб берганлар. Бобурнинг ноёб хислатларини, бетакрор шахсиятини ёритишга ҳаракат қилганлар.

Муаллифлар Фарғона мулкининг пойтахти, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган Андижон шаҳрининг тарихи ҳақида ҳам сўз юритишган. Биз ушбу муҳим асарнинг бадиий — илмий қимматини камситмаган ҳолда, баъзи мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз. «Она-бешик — Андижон» деб номланган бобда Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бўлмиш Андижоннинг тарихи ҳақида маълумот берилган. Аниқроғи, Андижоннинг қадимги давридан то XVI асргача бўлган тарихи илмий жиҳатдан талқин қилингану бироқ манбалар кўрсатилмаган.

Маълумки, Андижон шаҳри ва теварак ҳудуди археологик жиҳатдан ҳозиргача етарлича ўрганилмаган. Бу мавзуга доир энг салмоқли илмий изланишлар андижонлик тарихчи олим ва бобуршунос Сайфиддин ҳожи Жалилов томонидан олиб борилаётган бўлиб, у киши Андижон шаҳрининг қадимий ва ўрта асрлар тарихига оид археологик ва қўлёзма асарларни таҳлил қилиб, айрим илмий хулосалар чиқарган. Бу маълумотлар олимнинг «Андижон» (тарихий ўлкашунослик очерки. Тошкент, 1989), «Бобур ва Андижон» (Тошкент, 1993) ҳамда «Бобурнинг Фарғона давлати» («Фан», 1995) асарларида ёритилган. (Бобурнинг Қобул ва Ҳиндистондаги фаолияти таниқли бобуршунос олима Сабоҳат Азимжонова асарида акс эттирилгани ҳам ўқувчиларга маълум).

«Асрларни бўйлаган Бобур» асарининг биринчи ҳамда «Она-бешик Андижон» боблари С. Жалиловнинг илмий хулосалари асосида уларга иқтибосан ёзилган. Лекин тарихий маълумотлар келтирилган саҳифаларда биронта изоҳ ёки манба кўрсатгичи йўқ.

Сайфиддин Жалилов ўз асарида Андижон шаҳри тарихи ҳақида қисман маълумот берувчи нодир қўлёзма манбаларни синчковлик билан ўрганиб, таҳлил қилиб, бу манбаларга тўла изоҳ ва эскартмалар бериб борган. Масалан, Андижон шаҳри тарихига оид муҳим маълумотлар Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг «Нусхат-ул қулуб» каби асарларидан, шунингдек, рус олимлари В. Наливкин, В. Бартолд асарларидан олинганлиги яққол кўрсатилган.

«Асрларни бўйлаган Бобур» китобининг тарихий бобини тайёрлашда С. Жалиловнинг тайёр илмий хулосалари ҳеч қандай ўзгаришсиз фойдаланилган. Шундай бўлгач, бизнингча ақалли «тадқиқотчилар хулосасига кўра» деган, шукроналик сўзини қўшиб қуйилса кўп ўринли бўларди.

Зокиржон Машрабов ташаббуси билан Бобур номини абадийлаштириш,унинг туғилган ватани Андижонни жаҳонга танитиш борасида мустақиллик даврида қилинаётган ишлар халқимиз тарихига муҳрланиб қолади. Бинобарин, уюштирилган илмий сафарлар ҳам тарихий воқеалардир. Шунинг учун сафар қатнашчиларининг номлари ҳам тарихга киради. Афсуски, китоб муаллифлари ўз ҳамсафарлари ҳақида биронта ҳам маълумот беришмаган. Ёзувчи Хайриддин Султон эса «Бобурийнома» асарида ўз ҳамсафарларини ҳурмат билан тилган олган. Буни ҳаққонийлик деса бўлади.

Умуман, «Асрларни бўйлаган Бобур» китоби З. Машрабов бошлаган савоб ишларнинг бир қисмига бағишланиб, сафарнома шаклида ёзилган ўзига хос муҳим ҳисоботдир. Ўйлаймизки, бу улкан ишлар яна давом этади ва янги-янги китоблар ёзилади. Уларда дўстлар, ҳомийлар, хайрихоҳларнинг ҳам номлари холислик билан тилга олинади.

**Маҳкам АНДИЖОНИЙ,**
**Музробжон АБДУЛЛАЕВ**

---

*Тадқиқотлар*

# ЛОНДОНДА НАШР ЭТИЛГАН КИТОБ

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Боши биринчи бетда

Ибн Баттута Ўрта асрлар араб саёҳатчиси бўлиб, у Ўрта Осиё, Миср, Сурия, Саудия Арабистони, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Малдив ороллари, Шри Ланка каби мамлакатлар ҳудудларини, юзлаб шаҳарларини кезиб, ўз таассуротларини саёҳатномаларида баён қилиб ўтган. Ибн Баттута умрининг 28 йилдан ортиқроқ вақтини хавф-хатарга тўла сафарларда ўтказиб, қуруқлик ва денгиз йўллари орқали 130 минг км. масофани босиб ўтган. Шу боис, Ибн Баттутани Америка кашфиётчиси Христофор Колумб билан бир қаторда машҳур сайёҳ сифатида тан олинади.

Ибн Баттута Ўрта асрлар араб географик илми намоёндаси бўлиб, мазкур соҳа асрлар давомида турли халқларга мансуб бўлган сайёҳларнинг араб тилида маълум бир анъана асосида ёзилган асарларининг кенг миқёсли мажмуасидан иборатдир. IX асрга оид ал-Балазурий, Ибн Хурдодбеҳ, ал-Яъқубий, X асрга доир ал-Истахрий, Абу Дулафа ал-Муқаддисий, ал-Масъудий, ал-Хоразмий, ал-Диноварий, ат-Табарий, Ибн Мискавайҳ, Ибн Руст, Ибн ал-Фақиҳ, Ибн Ҳавқал каби сайёҳлар асарлари шулар жумласидандир.

XI аср ал-Беруний асарларида ўз аксини топади, XII асрдан ал-Идрисий, Марвазий ва ас-Самъоний қўлёзмалари сақланган. XII—XIII аср олимларидан Ибн ал-Асир, Ёқут ал-Ҳамавий, XIV асрдан ал-Умарий ва Ибн Арабшоҳ гувоҳлик беришади. Номлари қайд этилган барча ўтмиш аждодлар асарлари Ўрта Осиё, Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихий ва маданий тараққиёти манзараларини тиклашда мерос бўлиб хизмат қилади.

И.Ю. Крачковский XIII—XIV аср коинот тавсифлари ва қомусларидан кейин «Саёҳатнома жанри миқдор жиҳатдан узлуксиз бойиб боради» деб, XIV асрга мансуб энг буюк сайёҳ Ибн Баттутадир деб таъкидлайди. И.Ю. Крачковский Ибн Баттутани «энг сўнгги универсал амалиётчи-географ» деб атайди. Ибн Баттута «Саёҳатнома»ларида келтирилган фактлар шу қадар рангбаранг ва қизиқарлики, мазкур саёҳатномаларнинг тарихий, маданий ва бошқа соҳаларга хос хилма-хил маълумотлар манбаи сифатида баҳоланиши табиий.

Ибн Баттутанинг Ўрта Осиёга саёҳати энг мураккаб ва оғир вақтларга, мўғуллар истилоси даврига тўғри келади. Араб сайёҳи бу ерларга мўғул истилосидан юз йилча кейин етиб келган бўлса ҳам, бир замонлар гуллаб-яшнаган ерларнинг оғир яралари ҳақидаги сайёҳ изтироблари ва бор ҳақиқат «Саёҳатнома»да ўз аксини топган. Муаллифнинг хабар беришича, XIV асрнинг ўттизинчи йилларига келиб Ўрта Осиё халқлари ваҳшиёна истило оқибатларига бир қадар барҳам бериб, собиқ савдо ва маданият марказларини қайта тиклашга улгурган эдилар. Ибн Баттута ёзмалари ўлканинг ҳудди шу даври ҳақидаги бевосита таассуротлар эканлиги билан қимматлидир.

Ибн Баттута сафар давомида Хоразм, Бухоро, Самарқанд каби йирик марказлар ҳақида ҳам маълумотлар келтиради. Шу боис, «Саёҳатнома» халқимизнинг ўрта асрлардаги маънавий ҳаётини ўрганиш, ватанимизнинг ҳаққоний тарихини яратишда ҳам асл манбалардан бўлиши шубҳасиз.

Хоразм ҳақида Ибн Баттута шундай ёзади: «Бу туркларнинг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари ва жозибадор, кўркам жойлари бор». Алоҳида рукнни Хоразм қовунига бағишлаб, сайёҳ ёзади: «Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам Хоразм қовунига тенг келадигани дунёда йўқ... Пўчоғи яшил тусда, гўшти юмшоқ, жуда ширин ва айни замонда кувракдир... Барча қуритилган мевалар ичида қовун қоқига тенг келадигани йўқ» «Саёҳатнома» орқали юртимизнинг нақадар гўзал, чиройли, сув ва озиқ-овқатга сероб бўлганлигини, халқи эса соддадил ва меҳмондўст эканлигига яна бир бор иқрор бўласан. Аждодларимиздан ажратиб турган етти аср йўқдек, ҳудди бугунги Ўзбекистон шаҳарлари ва одамлари ҳақида сўз кетаётгандек.

Араб сайёҳларидан ал-Умарий хоразмликларнинг меҳмоннавозлиги ҳақида шундай ёзади: «Бу юртга бир мусофир келиб қолса, ўртада талаш бўлиб, уни яхшироқ меҳмон қилишга мусобақа бошланади».

Ибн Баттута Бухорога Чингизхон юришларидан сўнг келганлиги сабабли, шундай ёзади: «Бу шаҳар бир вақтлар Жайҳуннинг у соҳилидаги шаҳарларнинг энг улуғи эди. Лаънати мўғул Чингиз... уни шу қадар хароб қилганки, масжиду-мадрасалар, бозорлар деярлик бари вайрона бўлиб ётибди». Ўша давр сайёҳларидан Ёқут ал-Ҳамавий эса Бухоро ҳақида шундай ёзади: «Мовароуннаҳр ерларининг гўзаллигига келсак, мен ислом мамлакатларининг бирортасида Бухородан кўркамроқ шаҳарни кўрмаганман».

Мўғуллар келишдан олдинги Самарқанд тасвирлари Ўрта асрнинг кўпгина географик ва тарихий адабиётларида сақланган. Хусусан, шаҳарнинг энг қадимги арабча тасвирларидан бири Ибн ал-Фақиҳнинг «Китоб ал Булдон»ида сақланган. Аммо Ибн ал-Фақиҳ маълумотларида тарихий фактлар Самарқанднинг бунёд бўлиши ҳақидаги афсоналар билан қоришиб кетган. Ал-Истахрий ҳам Самарқанд тўғрисида анча батафсил ҳикоя қилади, шаҳар дарвозалари ҳақида қуйидагича ёзади: «Шарқ томонга Хитой дарвозаси, Ғарб томонга Навбаҳор дарвозаси, Шимол томонга Бухоро дарвозаси, Жанубга Кеш дарвозаси орқали юрилади», бозорлар ҳақида шундай дейилган: «Самарқанд бозорларининг маркази Рас ат-Тоқдир, унга боғ ва қасрлардан кўра икки марта кўпроқ кўчалар бозору расталар бориб туташгандир. Боғи бўлмаган бирон ҳовли, бирон кўча йўқ... Мовароуннаҳрда етиштган ва ишлаб чиқарилган бутун бойлик аввал Самарқандда жам бўлиб, кейин бошқа ўлкаларга шу ердан тарқалади».




Ибн Баттута Самарқанд ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилади. «Мен... Самарқандга жўнадим. Бу жуда йирик ва ғоят гўзал шаҳарлардан биридир. У Водий ал-Кассарин дарёсининг қирғоғида жойлашган... Дарё қирғоғида шундай улкан саройлар ва бинолар қад кўтариб турадики, улар Самарқанд аҳолисининг юксак маҳорат соҳиби эканлигидан далолатдир».

Сайёҳ ўз хотираларида юртимизнинг нафақат гўзал шаҳарлари, мол-мулкка тўла бозорлари, одамшаванда аҳолиси ҳақида, шунингдек, шу заминда вояга етган мусулмон оламининг машҳур алломалари, мутасаввиф донишмандлари ҳақида ҳайратланиб ҳикоя қилади: «Бухоро муҳаддислар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ватанидир».

Келтирилган иқтибослар уммондан қатра, холос. Бундай ажойиб тарихий воқеалар, ҳодисалар ҳақидаги қиёсий маълумотлар Н. Иброҳимовнинг «Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати» номли илмий тадқиқоти ҳамда «Саёҳатнома» таржимасида кўплаб келтирилади. Илм ихлосмандлари учун эса мазкур тадқиқотнинг нафақат ўзбек, рус, араб, балки инглиз тилларида ҳам чоп этилганлиги муҳимдир.

Маълумки, фандаги бирон-бир ютуқ эҳтиросли, ҳақиқий, оташин, фидоий муносабатсиз, тадқиқотчининг ўз ишига кучли меҳри ва иштиёқисиз ҳеч вақт юзага чиқмайди, маҳсул бермайди. Н. Иброҳимов ҳам 1970 йиллардан бошлаб Ибн Баттутанинг «Саёҳатнома»сини илмий ўрганиб келмоқда. Бу мавзу ўрта асрлар араб адабиёти, араб халқ романи, Шарқ новелласи хусусиятлари, араб тили тарихий грамматикаси, Араб ярим ороли эртаклари ва афсоналари каби ўнлаб илмий йўналишларнинг биридир.

Олим 1975 йили «Ибн Баттутанинг «Саёҳатнома»си Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотлар манбаи» номли номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Сўнг 1988 йили Москвада рус тилида «Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати» номли монографияси чоп этилди. 1992 йили «Ибн Баттутанинг Шимолий Африка, Тунис, Ливия, Миср саёҳатлари» китоби нашр қилинди. 1993 йил сайёҳнинг асари ўзбек тилида китобхонларга тақдим этилди.

Фан холис хизмат қилганларга ажойиб истиқболлар очишини Н. Иброҳимов мисолида кўриш мумкин. Чунки олимнинг илмий-тадқиқот фаолияти серқирра, ҳеч тиним билмайди, ҳамиша олға, янги марралар, янги ютуқлар сари интилади. Шу боис, Н. Иброҳимов раҳбарлигидаги «Арабийзабон адабий ёдгорликларни ўрганиш» илмий тадқиқот гуруҳи халқимиз маънавиятига доир араб тилидаги ёзма ёдгорликларни ўрганишни давом эттирмоқда.

Инглиз тилида нашр қилинган монография бир неча бобни ўз ичига олади. Улар ичида Ибн Баттутанинг ҳаёти ва саёҳатлари, Ибн Баттута «Саёҳатнома»сининг илмий ўрганилиши, таржима ва нашрлар, Ибн Баттутанинг Ўрта Осиёга саёҳати, мазкур матннинг инглизча таржимаси ва илмий изоҳлар тадқиқотнинг мунтазам равишда мавзуни ёритишга қаратилганлигидан далолат беради. Китобга берилган тақризда ёзилишича, Н. Иброҳимов Ибн Баттутанинг «Саёҳатнома»сини бугунги китобхонга етказишда фақат «Саёҳатнома»ни тадқиқ этиш йўлидан бормай, балки Ибн Баттута берган маълумотларга илмий-тарихий баҳо бериш орқали аниқ фактларни уйдирмалардан ажратган, ҳамда ўз хулосаларини Ўрта асрда яшаган бошқа сайёҳлар фикрларини қиёсий таҳлили орқали тасдиқлаган. Шу боис, Ибн Баттута «Саёҳатнома»си орқали Н. Иброҳимов Ўрта асрлар Ўрта Осиё маданий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг ҳақиқий кўринишини беришга муваффақ бўлган.

Н. Иброҳимов монографиясининг инглиз тилида нашр қилиниши унда жамланган Ўрта Осиё тарихи, маданияти, ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақидаги бирламчи манбаларга асосланган бой маълумотлардан чет эллик мутахассисларнинг ҳам кенг фойдаланиши учун имкон яратади.

Ҳар бир янги ва муҳим ютуқ янги, ундан-да муҳим саволларни туғдиради. Бирор чўққини забт этгандан сўнг, янги чўққилар чиройи очилади, фаннинг яна олға юриши учун янги йўллар кўринади. Илм-фаннинг чексизлиги шундан. Илм бирор бир ҳодисани изоҳлаб бера олганда кичик бир ғалабани қўлга киритади. «Ибн Баттутанинг Ўрта Осиёга саёҳати» китобининг инглиз тилида нашр қилиниши ўзбек фанининг ана шундай бир ғалабасидир.

**Гулхумор ТЎЙЧИЕВА,**
**Филология фанлари номзоди**

# ДУНЁ ЎЗИ ТЕАТР...

## УЧ ДОВРУҚ

1

Ҳар бир театрнинг довруғи, репертуаридаги классик асарлар билан белгиланади. Драматургия ҳам театр сингари жуда қадимий. Антик театрларда шу қадар зўр классик асарлар ўйналганки, уларни ижро этиш ҳозирги замон театрлари учун ҳам шуҳрат келтириши муқаррар. Тўғри, бизнинг асримизда ҳам Софокл, Эсхилл ва айниқса Шекспир асарлари кўп театрларнинг репертуаридан жой олгану, аммо бу спектакллар ҳамиша ҳам шу асарларга муносиб обрў қозонавермаган. Бу муносиблик учун аввало буюк асарларни саҳналаштиришнинг уддасидан чиқа оладиган режиссёрлар, талантли актёрлар бўлмоғи зарур. Ижрочилар ва режиссёрнинг уйғун ижодий ҳамкорлиги билан мумтоз асарларнинг муносиб талқини юзага келади.

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театрида ҳали 30-йиллардаёқ Шекспирнинг «Гамлет» асари муваффақиятли саҳналаштирилиб, ўзбек томошабинларининг юксак олқишига сазовор бўлган эди. Бу Маннон Уйғур (спектакл режиссёри) ва Гамлет ролининг ижрочиси Аброр Ҳидоятов каби улкан санъаткорларнинг шу салоҳияти катта асарни саҳналаштиришнинг уддасидан чиқа олганидан далолат эди. 40-йилга келиб, Маннон Уйғур рус режиссёри Ладигин билан биргаликда Вилям Шекспирнинг «Отелло» асарини яна Аброр Ҳидоятов ижросида тайёрлашиб театр довруғини яна бир поғона кўтаришга муваффақ бўлишганди. «Отелло»га мухлислар меҳри, иштиёқи «Гамлет»дан ҳам юқори бўлган десак муболаға бўлмайди. Уруш йиллари шаҳримизга ташриф буюрган инглиз парламенти аъзоларидан жаноб Жонсоннинг театр китобига ёзиб қолдирган ушбу сўзлари ҳам бунга ёрқин бир далил: «Биз, Шекспирнинг ватанидан келган меҳмонлар, ўзбек театри саҳнасида «Отелло» спектаклини томоша қилиб, ҳозирги замонда ўзимизнинг мамлакатда бу қадар юксак ижрони кўрмаганлигимиздан буларга қойил қолиб, мамнуният билдирамиз».

«Шоҳ Эдип» спектакли ҳақида ҳам жуда эътиборли гаплар айтилганлигини, бу спектаклнинг оламшумул томошаси ҳали-ҳамон кишилар ёдидан кўтарилмаганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозимки, бундай асарларнинг миллий театрларга шуҳрат келтиришида таржимонларнинг ҳиссаси улкан. Таржиманинг аҳамияти муҳимдир. Юқоридаги икки асар устида гап кетар экан, аввало «Гамлет»ни Чўлпон, «Отелло» асарини Ғафур Ғулом ўзбек тилига ўгирганлигини, «Шоҳ Эдип»нинг таржимаси эса Асқад Мухтор қаламига мансублигини айтиб ўтмоқчиман. Асар таржимаси — оригиналга тенг матн яратиш — осон иш эмас. Айниқса, классик асарлар таржимасига ўз халқи руҳини назарга олган ҳолда ёндашиш бадиий ифодани равонлаштиради, спектаклни томошабинга яқинлаштиради. Чўлпоннинг «Гамлет» устида узоқ йиллар ишлаши унинг ҳам шекспирона, ҳам халқона нафасини бера олганлигини шундан деб ўйлайман.

Маълумки, юртимиздаги ушбу улуғ театрнинг асосчилари 20-йилларда Вахтангов театри қошидаги ўзбек драмстудиясида таълим олишган. Шу халқ ичидан чиққан истеъдодли талантлар Маннон Уйғур ва Чўлпондай ўша замоннинг етук кишилари раҳбарлигида маҳорат сирларини ўрганишган. Чўлпон студияда адабий эмакдош бўлиб ишлаган. Чунки рус тилида олиб бориладиган дарсларни ўзбек тилида талабаларга етказиш, айниқса, ўша студияда тайёрланган асарларни таржима қилиш ҳам унинг зиммасига юкланган экан. Энг муҳими шундаки, ўқиш даврида талабалар театрлардаги спектаклларни томоша қилиб боришган. «Гамлет» бизнинг ўзбек томошабинларига яқинлиги ва қачондир уни ўзбек саҳнасида кўриш истаги уларда ўша вақтлардаёқ пайдо бўлган экан. Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Нарзуллаев «Биз ўша студиядаги ўқиш давримиздаёқ «Гамлет»дан кичик бир парча ҳам тайёрлаган эдик ва Палони ролини ижро этганман» деган эди... Демак, Чўлпон шу вақтларда «Гамлет» фожиасини таржима қилишга киришган бўлса ажаб эмас, Адабиётшунос Наим Каримовнинг фикрича, бу асарнинг таржимаси 30-йилдан кейин бошланган. Унинг айтишига қараганда, Абдулҳамид Чўлпон 30-йилларда Москвага борганида инглиз тилини яхши биладиган бир рус ошнаси билан «Гамлет» пиесасини инглиз тилида ҳам ўқиб чиқишган экан. Шундан кўринадики, Чўлпон бу асарни таржима қилгунча жуда пухта тайёргарлик кўрган. Ва бу асарни оқ шеър усулида эмас, проза шаклида ўзбек тилига ўгирган. Спектакл бизнинг театримизда 33-34 йилларда тайёрланиб, 35-йилда томошабинларга кўрсатилади. Уни саҳналаштириш жараёнида театр жамоаси Чўлпон билан ҳамкорликда кўп иш олиб борган. Ушбу спектакл ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида саҳна гултожи бўлиб турган. Қайта-қайта саҳналаштирилганда турли ўзгаришлар ҳам бўлган, албатта. Лекин Чўлпон таржимаси шу қадар равон эдики, уни ўзгартириш учун кўп ҳаракатлар қилинса ҳам, оқибатсиз қолаверади. Чўлпон қамалгандан сўнг спектакл намойиши тақиқланади, аммо театр жамоаси томошабинларнинг талабига биноан уни қайта тиклашга киришади. Ўша вақтдаги раҳбарларнинг таклифи билан Мирзакалон Исмоилий асар таржимасини ўз қўлига олади-ю, бироқ Чўлпоннинг таржимасидан ўтказиб бўлмаслигини айтиб, номи зарур бўлса афишада ёзишни таклиф этади. Шундай қилиб, Мирзакалон Исмоилий таржимаси деб яна кўп йиллар халққа намойиш қилинаверади. Мирзакалон Исмоилийнинг ҳам қатағон қилиниши сабабли яна спектакл тўхтаб қолди. Энди академик Воҳид Зоҳидовдан асарни қайта таржима қилиб беришни сўрайдилар. У ҳам худди Мирзакалон Исмоилий сўзини такрорлаб, мен Чўлпон таржимасига қалам тегиза олмайман, деган. Шундан сўнг афишаларда Воҳид Зоҳидов таржимаси деб кўрсатилади-ю, ҳамон Чўлпон таржимаси саҳнада давом этаверади. Албатта, у замонларда афишада номи ўзгариши билан цензура тинчиб қолмасди, шунинг учун маълум ўзгаришлар киритилган. Аммо бу Чўлпон даражасида бўлмаган албатта. Дейлик: Чўлпон таржимасида шундай сатрлар бор:

**Бир замонлар ёш эдим,**
**Севгига йўлдош эдим,**
**Шуларни ўйлаб эдим,**
**Бундан яхши нима бор?**
**На қайғу бор, на ҳасрат,**
**Фақат ҳузур-ҳаловат,**
**Эрта роҳат, кеч роҳат,**
**Ҳар куни кўклам-баҳор.**

Бошқа таржималарда эса бундай келган:

**Бир вақтлар бор эди**
**Севги менга ёр эди.**
**Энг яхшиси шу дедим,**
**Қолгани бекор эрди.**



**Лекин етиб келиб қарилик**
**Олиб кетди мени у ёққа,**
**Ўғри каби шилди мени у,**
**Йўқ кучим ўзни танимоққа.**

Буни ашула шаклида Ўзбекистон халқ артисти Миршоҳид Мироқилов ўша Чўлпон таржимасида ўла-ўлгунча ижро этган эди десам бўлади. :

**Ўтди энди ўша кунлар, кетди бедарак,**
**Мана энди ерни ковлаб терганим суяк.**

Бу жумлалар кимнинг таржимаси экан аниқлай олмадим. Лекин Миршоҳид Мироқилов уларни шуқадар жозибадор айтар эдики, томошабинлар йиғлаб-кулиб уни олқишлар эдилар. Мен ҳам Горациони ижро этганимда Чўлпон таржимасидаги сўзларни айтишни ниҳоятда ёқтирар эдим. Озрик ҳақида унинг: «У ўз тухумининг пўчоғини бошига илаштириб уясидан учиб чиққан қизилиштоннинг худди ўзгинаси... деган сўзларни ҳузур қилиб талаффуз қилардим. Пиесада Озрик, Розенкранс, Галдерштейнлар ҳақида Чўлпон таржимасида шундай характерли сўзлар бор: «Улар ҳали она қорнида ётган, демак, она сутидан баҳраманд бўлмаган вақтдаёқ она эмчакларига хушомадгўйлик қилган бўлсалар керак. Буларни бир ўхшатиб пуфланса, совун пуфагидай ҳеч нарса бўлмай қолишади». Шекспирнинг ҳамма асарларида умуминсоний ғоялар, ҳаёт муаммолари шундай сингдириладики, улар ҳеч қачон ўз замонавийлигини йўқотмайди. Айниқса, Гамлет фожиасида ҳар бир ҳолатга сингдирилган фалсафий фикрларнинг ҳар бири кишиҳи ҳаяжонлантирмай қолмайди. Чўлпон эса ўз таржимасида ана шундай фикрларни бизнинг халқимизга яқин тарзда бадиий ифодасини топади.

Бир куни «Гамлет» пиесасининг кейинги қўйилишида Олим Хўжаев Гамлет ролини тайёрлаб турган эди. Шунда машҳур фожиавий актёр Аброр Ҳидоятов у кейинги таржимада «ўлайми, қолайми» деб берилган монологни Чўлпон талқинида, яъни: «ё ўлиш, ё қолиш» — деб айтишни таклиф этди. Мен таржималарни кўриб чиқдим. Бирида шу монолог «ўлишми, қолишми», яна бирида эса «ўлайми, қолайми» дейилади. Чўлпон таржима талқини булар орасида энг кучли жаранглайди.

Албатта, Шекспирнинг ҳамма асарлари ҳам асрлар давомида кўп ижроларни кўрган. Биргина Гамлет образини дунёдаги энг машҳур актёрлар ижро этган, талқинлари ҳам турлича бўлган. Масалан, Михаил Чеховнинг ижросида Гамлет роли бироз руҳий тушкунликда ифода қилинганлигини таърифлашади. Машҳур рус актёри Качалов Гамлет тимсолида курашчи образини яратган эди. Театр санъати тарихидан маълумки, бу образни баъзи ижрочилар тахт учун курашувчи, яна баъзи ижрочилар эса руҳий тушкунликка тушган шаҳзода қиёфасида талқин қилганлар. Маннон Уйғур Аброр Ҳидоятов билан пиеса устида ишлашганда уни курашчан тарзда гавдалантиришни таклиф қилган ва шуни амалга ошира олган. У битта сўзни доим такрорлар эди, Гамлетнинг ўз фикрича: «Давр изидан чиқди, уни қайтадан изга солиш менинг ҳиссамга тушди». Пиесани тайёрлашда айнан шу сўз асосида Гамлет образи талқин қилинган. Бу пиесада образлар талқини Маннон Уйғурнинг йўналиши бўйича барча ижрочиларда узоқ йиллар шу тарзда давом этган эди. Олим Хўжаев, Шукур Бурҳоновлар ҳам Гамлет ролини Аброр Ҳидоятовдан кейин ижро қилишган. Улар ҳам Аброр Ҳидоятов Гамлети каби бутун пиеса давомида жангчи қиёфасини яратган эдилар.

Сора Эшонтўраева Офелия ролини Маннон Уйғур талқини бўйича жуда етук олиб чиқарди. Бир куни Наманганда гастролда юрганимизда бу ернинг машҳур боғига кирдик. Боғнинг бир кўли бор эди. Сорахонимнинг кўзи шу кўл ўртасида оппоқ гулга тушди. Бу чамамда нилуфар эди. Сорахоним: «Мана у кишининг Офелияга ўхшатган гуллари» деб айтди. Шундан сўнг:

— Мана қаранглар, деб Сора опа қўлларини гулга чўзган эдилар, гул дарҳол ёпилди. Ва яна қўлларини тортган эдилар гул яна очилди. «Маннон Уйғур Офелия образини мана шу гулга ўхшатиб, менга уни нозик табиатли қиз деб тушунтирган эдилар». Дарҳақиқат, Офелия саройдаги турли фитналар гирдобида жуда эрта хазон бўлади. «Отелло» спектаклидаги Дездемона эса (бу ролни Сора Эшонтўраева ижро этган) Офелияга нисбатан курашчан, отаси олдида ҳам тап тортмай кўнглидаги гапларни айта олади.

2

«Отелло» фожиасини тайёрлаш устида театр жамоаси 39-40-йилларда иш олиб борган. Ҳозирги пайтда менга театрларда Маннон Уйғур, Етим Бобожоновлар бошлаб берган сўз устида ишлаш анъаналари йўқолиб бораётгандек туюлади. Пиеса устида ишлаш жиддийлиги йўқолмаган, йўқ. Аммо сўз устида, талаффуз устида ишлаш илгаригига нисбатан камайиб кетди. «Отелло» спектаклини тайёрлашда Маннон Уйғурга ёрдамчи режиссёр эдим. Айланма стол атрофида актёрлар, режиссёр, таржимон бирга ўтиришар эди. Ғафур Ғулом пиесани аллақачон таржима қилиб бўлганига қарамай деярлик ҳар куни шу даврада Маннон Уйғур ёнида бўларди. Даврада ҳар бир сўз талаффузига, жарангдорлигига алоҳида аҳамият бериларди. Ғафур Ғулом таржимаси жуда юқори бадиий даражада яратилган эди. Шунга қарамай, ижродаги сўзларнинг оҳангдорлигига қараб, ҳеч эринмай сўзларни яна қайта-қайта тузатишга ҳам рози бўларди. Биргина «мен қораманми» — монологини неча маротаба қайта-қайта ёзиб ўқилганини эслайман. Маннон Уйғурнинг таклифи билан Родриго образи учун қизиқ-қизиқ кулгули сўзлар киритилди, чунки Маннон Уйғурнинг фикрича, Шекспир асарларида, айниқса, фожиаларида жиддий масалалар кўтарилганда, залда ўтирган томошабинлар ниҳоятда ҳаяжонланганлари туфайли, уларнинг асабларини бироз бўлса ҳам юмшатиш учун кулгули саҳналарни кўпайтириш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Гамлет сингари Отелло ҳам турли саҳналарда турлича талқин этилганлиги табиий. Аммо Аброр Ҳидоятов ижросидаги Отелло баъзи ижроларга ўхшаб рашкчи эмас, ишонувчан киши. Ҳатто унинг кўнглига ғулғула солган ва ўзи севган Дездемонани ўлдиришга олиб борган Ягога ҳам чин қалбидан ишонади. Ва соддадил Отелло севгилиси Дездемонани ўз қўли билан бўғиб ўлдиради. Отелло Ягони энг содиқ дўст деб билади. Яго «рашк балосидан сақланинг» деганида ҳам Отелло «йўқ, Яго, истайсанки умр бўлсин рашкдан иборат, ҳар чорак ой янги-янги шубҳа туғсинми? Йўқ Яго, тозалик бор жойда ҳамма нарса тоза» деб хитоб қилади. Таржимон Ғафур Ғулом ушбу сўзлари билан Отелло ҳақидаги таърифни Шекспирдан ҳам кучайтириб юборган деб биламан: «Мана бу мавр сенатимиз ҳамиша уни таърифларди камолотнинг ўзгинаси деб. Ҳеч қандай ҳирс юрагини буколмас одам, унинг яхши хислатларин ҳаводис ўқи ва тақдирнинг найзаси ҳам тешолмас киши».

Умуман, классик асарларда образлар талқинида актёр ўз образи ҳақида ўйлаши учун ҳар тарафлама — фикрий, бадиий, фалсафий имкониятлар муҳайё бўлади. Айниқса, «Отелло», «Гамлет» ва «Шоҳ Эдип» асарларида актёрлар ниҳоятда фикр билан ишлашни, характерларнинг кўп қирраларини очишни уддасидан чиқа олганлар десам бўлади.

3

Бундай шоҳ асарларнинг учинчиси Софокл қаламига мансуб Асқад Мухтор таржимасидаги «Шоҳ Эдип» спектаклидир. Таржиманинг равонлиги, режиссёрнинг образлар ҳақида тўғри йўналиши, бошқача ифодалаганда, матн актёрга яхши ҳазм бўлса, у жони-дили билан ишлашга тайёр бўлади. Образни тўлақонли яратишда актёр учун ҳам мағздор асарлар керак. Асқад Мухторнинг таржимаси ҳам ниҳоятда равонлиги билан актёрларга маъқул тушган эди. Асқад Мухтор таржимасининг даражаси Чўлпон, Ғафур Ғуломлар таржимасига яқин эди.

Мен Асқад Мухтор билан Иркутск томонларда бўлган маданият кунларида қатнашган, у билан кўп яқин эдим. Сафарларда юрганимизда ҳам, қаерда бўлмайлик, бир хонада истиқомат қилардик. Бир куни кечаси театр ҳақида суҳбатлашиб тонг оттирганмиз. Ҳар иккимиз ҳам улуғ артист Шукур Бурҳон бизнинг бахтимиз деган хулосага келдик. «Унинг диапозонига лойиқ асар ёзолмаяпман» — деди Асқад Мухтор. Асқад Мухтор Душанбедаги Лоҳутий театрида «Шоҳ Эдип» спектаклини Ҳошим Гадоев ижросида кўрганлигини айтиб берган эди. Ҳошим Гадоев «Шоҳ Эдип»ни ўзи саҳналаштирган. Шундай актёр ҳам Шукур Бурҳонга катта ихлос қўйганидан у кишидан олдин бу асарни ижро этишни ўзига эп кўрмаган экан. Ўша суҳбатда Асқад Мухтор шу буюк асарни қандай таржима қилганлигини ҳикоя қилиб берди: «Театрдаги иш жараёнида Шукур Бурҳоновнинг Эдип ҳақидаги мулоҳазаларидан сўзларни турли-туман вариантларда ишлашга тўғри келди. Назаримда, Шукур Бурҳон бу борада ҳаддан ташқари инжиқлик қилаётгандай эди. Қанчадан-қанча асарлар ёзганман. Лекин сўзга бунчалар талабчанликни энди кўришим эди. Аммо тўғрисини айтганда, артистнинг инжиқлиги образнинг мукаммал чиқиши ва томошабинларга яқин бўлишини таъминлаган эди».

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида 1979 йил чоп этилган таржимадаги сўз бошида: «Томошабинни ҳислар туғёнида тоблаб, фикр ва туйғуларни поклайди, ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур этади. Шунинг учун Софокл фожиаларидаги воқеалар нақадар даҳшатли бўлмасин (буни Ҳамза номидаги театримизда «Шоҳ Эдип» спектаклини кўрган томошабинлар тасдиқласа керак) ҳамма вақт оқибатда кучли, тетик, ёрқин таассурот қолдиради», деб таъкидлаб ўтилган эди. Спектаклни кўрган томошабинлар Шукур Бурҳон ижросидаги Шоҳ Эдипни ҳамон тилга олишлари ҳам шундан. Чиндан ҳам Шукур Бурҳон ижросидаги Шоҳ Эдип чуқур ва мураккаб образга айланади. Актёр бутун спектакл давомида жиндак енгилликка ҳам йўл қўймайди. Актёр рол ижро этаётганида бир дақиқа ўзини ҳаяжонсиз қолдирмайди. Эдип саҳнада пайдо бўлиши билан даҳшатли воқеалар содир бўлаверади. Ва улар чўққига кўтарилаверади. Шуниси ҳам борки, Шукур Бурҳон бу ролни ижро этганда ёши 60ларга борган эди. Сўнгги ижроларда парда тушгач, ҳолдан тойган пайтларини ҳам кўрганман. Шуниси қизиқки, у саҳнага чиқиши билан яна ўша ўта ҳаяжонли ҳолат давом этаверарди. Актёр образда яшар экан, ўзини ҳеч қачон аяб ўтирмасди. Шу спектаклни саҳналаштирган рассом Бримнинг гапига қараганда, у актёрнинг соғлигини ўйлаб, баланд-пастликдан иборат бўлган декорацияни саҳна олдидан ижро этишни таклиф этганда Шукур Бурҳонов жаҳл билан уни рад этган. Асқад Мухторнинг айтишига қараганда, ушбу мисраларни неча хил сўзлар билан айтиб кўрган:

**Тамом, бари аён. О ёруғ жаҳон,**
**Сўнгги бор кўрмоқда кўзларим сени,**
**Ҳаёт ҳаром, нафас ҳаром, никоҳ ҳам ҳаром,**
**Қонга булғанганман, жирканчман, жирканч!**

Маълумки, шоҳ Эдип чўпондан ҳақиқатни билгач, ўз гуноҳлари учун Худодан жавоб кутиб ўтиришни истамайди, балки ўзини ўзи жазолайди:

**Нима қилай бу кўзларни**
**Энди бу оламда ҳеч нарса, ҳеч нарса**
**Менинг кўзларимни қувонтирмаса.**
**Аммо биламанки, мени ажал олмас**
**Мени дард ўлдирмас — шуниси ёмон.**

дея кўзларини ўяди.

**У дунёда ота-онам юзига**
**Қандай боқдим — кўзларимни ўймасам,**
**Бадбахт онам мендан туққан болага**
**Қандай боқдим кўзларимни ўймасам.**
**Қизларининг шарпасини сезар экан:**
**Қайдасиз қизларим, яқинроқ келинг,**
**Илк бор ака бўлиб қўл чўзай сизга.**
**Кеча чақнаб турган порлоқ кўзларимни**
**Бугун бу аҳволга солган мен ўзим.**
**Ёнингизда турган шу бадбахт ота**
**Кўрмасдан-билмасдан сизни оламга**
**Келтириб қўйди-ку... ўз онасидан.**

Бу дунё фожиалари шундай ижро этилганки, одамзод нималарни уддасидан чиқмайди деб қоласан... Уларни ўқиганда ёки кўрганда ўзлигингни унутасан. Чиндан театр ҳаёт ойнаси. Баъзан буни томоша дейишади, баъзилар театрни ибратхона ҳам дейишар экан. Йўқ, театр театрлигича қолади. Вилям Шекспир айтганидек, дунё ўзи театр, одамлар эса ҳаммаси актёр экан. Қувончу фожиаларга сабаб бўлувчи ва шуларнинг ичида ҳаёт кечирувчи актёр, бирбирининг умри бир-бирига саҳна каби таассурот берувчи зот. Эҳтимол шу боис ҳам ҳаёт бор экан, ҳамма санъатлар ичида энг қадимийси, узоқ умр кўрадигани театр бўлиб қолар.

**Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,**
**Халқ артисти**

# ЗАРДУШТ ОЛОВИДА ТОБЛАНГАН ИЙМОН

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йилнинг «Халқаро дунё маданияти йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ўтган 1998 йилда Тошкентда ўтказилган ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 115-сессиясида сўзга чиққан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган қатор маданий-маърифий тадбирларнинг давоми сифатида 1999-2000 йилларда ўтказилажак туркий халқлар оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги ва Хоразмда юзага келган «Овесто»нинг 2700 йиллик жаҳоншумул юбилей тантаналари ўтказилишини эълон қилди.

Дарҳақиқат, кейинги йиллар ичида республикамизда миллий-маданий меросни ўрганиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар мулкига айлантириш борасида олиб борилаётган ишлар жуда катта кўлам ва аҳамият касб этмоқда. Оташпарастларнинг муқаддас китоби бўлган «Овесто»га яъни бундан қарийб 2-3 минг йиллар аввал яратилган маънавий меросимизга қайта мурожаат қилиш миллат тарихида янги давр бошланганидан далолат беради. Ҳолбуки, «Овесто»ни ислом ва христиан алломалари ўзларига жиддий рақиб санаб келганлари учун уни ўрганишни тақиқлаганлар.

Қадимги Турон халқларининг илк маънавий жавоҳири бўлган «Овесто» ва унинг муаллифи Зардушт Якка худоликнинг илк тарғиботчиси сифатида милоддан аввал VI-V асрлардаёқ дунёга маълум ва машҳур эди. Бир томондан Зардуштнинг яккахудоликка тарғиб этувчи ғоялари шу йўлни танлаган яҳудо, христианлик, будда ва ислом динларининг шаклланишига муҳим ҳисса қўшган бўлса, иккинчи томондан, унинг фалсафий тафаккури илк юнон фалсафасининг юзага келишида ўзига хос мактаб вазифасини бажарди.

Зардуштшунослардан француз олими Ж.Дюшен =Гиймен, немис олимлари О.Нейгебауер, Е.Ж.Бикерманларнинг ёзишларича, фалсафа мактабининг оталари Гераклит, Афлотун, Арасту ва Плутархлар Зардушт таълимоти билан яхши таниш бўлишиб, ўз асарларини яратишда ундан кенг фойдаланганлар. Тарих отаси деб аталмиш Герадотнинг ёзишича, исми номаълум қолган бир форс киши. Афлотунга «Овесто»нинг юнонча таржимасини келтириб берган. Ўша замонларда «Зардўштийлар тақвими» номи билан машҳур бўлган ҳар ойи 30 кун, 12 ой 360 кундан иборат йил тақвими Доро I (м. а. 522-485й. томонидан бутун мамлакатда қўлланилган ва юнон астрономлари самовий ҳаракатларни кузатишда шу тақвимдан фойдаланганлар. Бу тақвим милоддан аввалги биринчи мингйиллик ўрталарида Ўрта Осиёда тузилган эди (В. А. Лившиц «Зороастрийский календарь». М. «Наука», 1975. стр. 320)

Лидиялик Ксанф, бобиллик Бересе, библалик Филон каби иккинчи табақа юнон олимлари «Овесто»га алоҳида шарҳлар ёзишиб, табиат масалаларида Зардушт ва Афлотун қарашларининг деярли бир хил эканлигини такидлашган (М. А. Дандомаев, В. Г. Лукнин «Культура ва экономика древнего Ирана» М. Наука». 1980 г; стр. 284-341).

1952 йилда Қизил денгиз бўйидаги Наг Хамади шаҳри яқинидаги ғордан топилган, ҳозирда «Хенобаксион» ҳужжатлари номини олган христианликка оид муҳим 13 та тарихий ҳужжатлар орасида «Оташпараст ва пайғамбар Зардушт таъкидлари» ҳужжатининг бўлиши зардуштшунослар учун муҳим воқеа бўлди. Тахминан 3-аср ўрталарида ғорга беркитилган бу ҳужжатлар асосан атеистик йўналишдаги олимлар Целс, Порфирий, Афлотун, Прокофий, Сикстиларнинг моддийшуносликдаги машҳур асарларидан иборат эканлигини ҳисобга олсак, Зардушт қарашлари бу йўналишдаги файласуфлар томонидан жуда қадрланганлигини билиш мумкин.

**Тарих — ибрат**

Ҳозирда бу ҳужжатлар Цюрихдаги Юнга институтининг хусусий мулки ҳисобланиб, Кипрдаги Коптлар музейининг махсус ҳужжатхонасида сақланади. У ЮНЕСКО ва Мисрнинг қадимшунослик департаменти томонидан факсимилда чоп этилган (Амброжио Донини. «У истоков христианства». М., 1989 г., стр. 136-137).

Зардушт ва унинг «Овесто» китобига бўлган қизиқиш Оврупонинг барча маданий тараққиёт даврларига хосдир. «Овесто»нинг инглизча, немисча, французча, полякча ва лотин тилларидаги таржималари 1700-1771, 1852-56 йиллар давомида Удбе-Деппарш босмахонасида нашр қилинган. «Овесто»нинг энг сўнгги нашрлари эса Х. Хумс таҳририда немис тилида 1959 йили Гейделбергда, Ж. Дюшен-Гиймен таҳрири билан француз тилида Парижда, С. Инслер таҳриридаги инглизча нашри 1973 йилда Лондонда чоп этилган. Немис олими Фридрих Ницше (1844-1900 й.) «Зардуштга қайтиб», «Зардушт таъкидлари» номли асари билан уни замонамиз фалсафасига олиб кирди.

Кўриб турганимиздек, бугунги кунда Зардуштнинг тарихий шахс эканлиги деярли исботланган бўлса-да, у яшаган макон ва замон масалаларида тортишувлар йўқ эмас... Аввало, унинг туғилган вақти ҳақида гап юритайлик. Файласуф Ксанф уни ўзидан 6000 йил илгари яшаган деб санаса, яна бир қатор муаллифлар, олимлар 1000 йил атрофида яшаб ўтган деган хулосага келадилар. Зардушт тарихини чуқур ўрганган ҳозирги замон олимларидан В. Б. Хинц уни мил. ав. 630-553, 629-511, 618-541 йилларда яшаган деб кўрсатади. Бизнингча, охирги тахмин ҳақиқатга анча яқин туради.

Абу Райҳон Беруний ва Табарийнинг фикрларича, Зардушт мил. ав. VI асрда озарбойжонликларнинг Манучеҳр уруғига мансуб Сафед Тумон (Пуршисф) оиласида туғилган. У тахминан 29 ёшига етганда Худо Аҳура Мазда (Ормузд) билан учрашиб, ундан зардуштийликни тарғиб қилиш учун буйруқ олган ва зардуштийликнинг асосий маънавий, иқтисодий ва ижтимоий қонунларини яратган. Шундан сўнг у ўз юртида оташпарастликни тарғиб эта бошлаган, лекин қариндошлари ва ватандошларининг қаттиқ таъқибларига учраб, қувғин қилингач, 10 йил дарбадар кезиб ўзига ва Аҳура Маздага ихлосмандлар излаган. Бироқ, у то аҳмонийлар авлодидан бўлган Шоҳ Висташпга учрашгунга қадар ўз ишида катта муваффақият қозона олмаган. Шоҳ Висташп Хуросондаги давлатларнинг бирида подшоҳ бўлган. Тахминан 530-525 йилларда Зардушт шоҳ Висташп ҳузурига келиб, унга зардуштийликнинг қоида ва ақидаларини ўргатган.

Катта заковат эгаси бўлган шоҳ Висташп бу буюк таълимотни бутун сарой аҳли билан қабул қилиб, мамлакат пойтахти Балхда дунёдаги биринчи оташпарастлар ибодатхонасини қурдирган ва бу ерда кундалик ибодатларни ўтай бошлаган. Бундан хабар топган халқ ҳам тез орада унга қўшилади ва шу тариқа зардуштийлик бутун мамлакатга ёйилади. Зардушт Балх ибодатхонасида алоҳида мактаб очиб, унда юзлаб ёшларга зардуштийлик таълимотидан дарс берган. Шоҳ Висташп буйруғи билан бу таълимот 12 мингта кийик терисига оромий тилда кўчирилиб ёзилган. Ер юзидаги биринчи диний китоб «Овесто» шу тахлитда дунёга келган.

В. И. Абаев, Ф. Алтхайм, Р. Штил, И. М. Дяконов, И. М. Оранский каби олимлар «Овесто»даги маълумотларга таяниб, бу китоб Балхда эмас, балки чорвадор қабилалар яшовчи Ўрта Осиёда, янаям аниқроғи, Хоразмда бунёдга келган деган фикрни илгари суришган. «Қадимги шарқ тарихи» асарининг муаллифи В. И. Авдиев ўз китобида «Зардушт ватани ва биринчи муқаддас олов ёқилган юрт Айрионо Вайжо, яъни Хоразмдир» деб кўрсатади. Бу далилларнинг аниқ ёки ноаниқлигидан қатъий назар «Овесто» халқимизнинг бебаҳо маънавий хазинасидир. Бугун ана шу хазинани ўрганишга киришдик. Маълумки, хазинага кирган киши имкони етганча дуру жавоҳир олиб чиқади. Ушбу мухтасар мақола ана шу йўлдаги илк уриниш сифатида қоғоз юзини кўрди. Денгизга шўнғиган ғаввос қайта-қайта жавоҳир қидирганидек, биз ҳам «Овесто» бағридан маънавий жавоҳирлар ахтараверамиз. Бу комиллик шартларидан биридир.

**Валижон ДАДАЖОНОВ**



Табиат мехри бор насибамизда…

# ЯЙПАНДА БИР ЭРАН ЎТДИ...

Юртимиз мустақиллиги миллий қадриятларимизни ўрганишга кенг йўл очди. Биз ўзлигимизни англаш йўлида дадил қадамлар ташламоқдамиз. Шу маънода ўз тарихимизга кучли эҳтиёж сезамиз-ки, бу тарихнинг улуғ мураббий эканлигидан далолат беради, мозийга қараб иш кўриш хайрли дейдилар. Ҳар бир кент ва овулнинг ҳам ўз тарихи бўлгани каби биз яшаётган туман маркази бўлмиш Яйпан шаҳрининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Бу касаба — шаҳарчада ҳам кўплаб азиз инсонлар яшаб ўтишган.

Шундай инсонлардан бири асримизнинг бошларида, ҳозирги Бозор-Яйпан маҳалласида яшаб ўтган Юсуфбек ҳожи ҳақида яйпанликлар мароқ билан гапирадилар. Айтишларича, у киши дастлаб Ҳўқанди Латиф мадрасаларининг бирида, сўнг Бухорои Шарифда таълим олади. Дунёнинг кўп шаҳарларини кезиб, ирфоний илмларни ўрганиб, юртига қайтади ва эл орасида маърифат тарқатиб яшайди.

Хуллас, йиллар ўтиб Яйпанга қайтганларида катта-кичикка шундай дебдилар:

— «Мен дунёда жуда кўп устозларни кўрдим. Улардан кўп илмларни ўргандим ва умримнинг охиригача улардан миннатдорман. Бироқ, ўғил учун дунёда, ҳеч нима ва ҳеч қандай ибрат ота ибратидан улуғ бўлмас эркан. Инсонийлик борасида отамдан ўрганганларимга ҳеч нима қўша олмадим...»

Юсуфбек Ҳўқанди Латифда таълим олган вақтларда ҳали мавлоно Муқимий, Зокиржон Фурқату шоир Завқийлар ҳаёт бўлишган. Ўшанда ул зот хаёлларида илк мўъжиза юз беради. Юсуфбек ихлос билан таҳсил ола бошлайдилар. Ўша куни қайси китобни очсалар, китоб саҳифалари аро гўзал ва тенгсиз боғлар юз кўрсатади. У боғларда сархил мевалар пишиб, анвойи гуллар очилиб ётибди. Юсуфбекнинг қулоғига булбуллар хониши эшитилади. Бу ҳол уни ҳайратга солади. Воқеани ҳамсабоқларидан бирига айтади. Бироқ бошқа муллабаччаларда бундай ҳол юз бермагани ҳайрат устига яна ҳайрат қўшади. Юсуфбек аҳволидан воқиф бўлган мударрис унга бу синоатни ҳеч кимга айтмасликни тайинлайди.

Аммо, Юсуфбек ёшлиги туфайли сирни сақлай олмайди. Сир ошкор бўлгач, буни қарангки, ўша кундан бошлаб у китоб саҳифалари орасида ўша чаман боғларни бошқа кўра олмайди.

Юсуфбек ҳақида яна бир ҳикоятни айтишларича, у зотнинг отаси билимли ва маърифатли инсон бўлганлиги боис унинг уйида нафис мажлислар ўтказилиб, уларда ўз даврининг етук уламолари ва узоқ-яқиндан келган меҳмонлар иштирок этишган. Мана шундай йиғинларнинг бирида бир уй тўла кишилар бир масала юзасида узоқ тортишадилар, аммо ечимини топиша олмайдилар.

Юсуфбек чойнакда чой ташиб, масалага қулоқ солади ва шунда мадрасада мударрисдан эшитган масаланинг ечими ёдига тушади. У буни мажлис аҳлига айтгиси келиб изсўраб баён қилади. Меҳмонлар таҳсин ўқийдилар ва уни отасига роса мақтайдилар.

Мажлис хотима топиб меҳмонлар кетиб бўлишгач, отаси унга шундай дейди:

— Ўғлим, илм шайтонда ҳам бор, аммо фақат одамда одоб бўлади. Кўрпа-тўшагингизни яна келишингизда уйга олиб қайтинг, шунча ўқиганингиз етади. Жуда беодоб бўлиб кетибсиз.

Шундагина Юсуфбек хато қилганини англаб қолади. Отаси ўша масаланинг ечимини билишини, лекин мезбонлик одобини сақлаб, изнни бошқаларга бериб, тавозе билан кутганлигини тушунади.

Бу воқеадан сўнг у илм олишга янада кучлироқ киришади ва ўз даврининг заковатли зиёлисига айланади.

Юсуфбекнинг завжаи муҳтарамаси ҳақида ҳам қизиқ бир ҳикоя юради. Бу аёл отинбибилардан бўлиб, кўзлари ожиз, ўзлари ғоятда зукко бўлганлар. Маҳалла-кўй қизлари бу аёлдан таҳсил олганлар. Хоним ойимиз у асли ёшлигида шаддод ва кўзлари ҳам очиқ қиз бўлган. Тасодифан, бир куни нон ёпаётган, нонлари тандирда ҳеч турмай, тушиб кетаверади, оппоқ кулчалар кулга булғанаверади, чидамсизлик ўтида хоним ойимиз ёшлик қилиб жаҳлни жиловлай олмай қолади, охири чидолмай ҳали қотиб улгурмаган нонни кулга уриб оғизларидан: Хаҳ ҳаром ўлгур! — деган сўз беихтиёр чиқиб кетади. Шунда ичкаридан чиқиб қолган Юсуфбек бу ҳолни кўриб, бу сўзни эшитиб аёлни тиймоқчи бўлади. Унга таскин беради, адаб бериш маъносида: «Одам нонни кулга отса, кўр бўлмасму!» — дейди. Ташқарида юрган кекса она орага тушади. Ёш келиннинг гуноҳидан ўтишни ўғлидан сўрайди. Айтишларича, Юсуфбек ўз аёлининг гуноҳидан ўтган, бироқ муборак нафас кетган, айтилган сўзни қайтаришга оддий одам боласи тугул авлиёлар ҳам ҳамиша ожиз қолишган.

Кўп ўтмай ёш аёлнинг кўзлари ожиз бўлиб қолади. Сўнг унга бошқа тандирда нон ёпиш насиб қилмайди.

Келин бошига тушган фалокатдан оила аъзолари ва айниқса қайнона қаттиқ қайғуради. Ўша пайтлар Қўқон музофотига эмас, уни Туркистонга ном таратган табиб Маҳмуд Яйфонийга ҳам кўрсатадилар. Лекин аёл кўзи ожизлигича қолади.

Ожиза аёл умрининг охиригача Юсуфбекка вафодор бўлиб яшаб, фарзандларини тарбиялаган. Қизларни илму-маърифатли қилган.

Айтишларича, бу аёл ҳам кейинроқ азизлар мартабасига эришган. Умр охирларида қаттиқ касал бўлиб, ётиб қолади, ўғиллари Солиҳхондан:

— Барчангиз ташқарига бир зумга чиқиб турсангизлар, деб сўрайди. Бир муддат ўтиб, яна ўзлари чақирадилар-да, кейин ўғилларига «Яна саккиз йилга умр берилди, қолдим», деб айтадилар ва соғайиб кетадилар. Кейинроқ Солиҳхон қорининг эслашларича, оналари роса саккиз йилдан сўнг, ўша куни қазо топадилар.

Яна Юсуфбек ҳақида. 1920 йилларда босқинчи аскарлар Яйпанга илк бор келган пайтлар экан. Кўпчилик аҳоли турар жойларини ташлаб, тоққа, чекка қишлоқларга чиқиб кетади. Босқинчи аскарлар кимсасиз уйларга кириб юрадилар. Кексайиб қолган Юсуфбек ҳожи ўз ҳовлисида қолган эди. Унинг ҳовлисига ҳам тентираб борган аскар кириб қолади. Унга оппоқ соқолли, оқ иштон ва оқ кўйлакли нуроний негадир ёқмайди. У Юсуфбек хожани оёғи билан туртади, хожадан ҳеч қандай садо чиқмаганидан қўл силтаб чиқиб кетади. Кейин ўша оёғи шунчалик увишиб оғрий бошлайдики, юмалаб йиғлайди. Воқеадан хабар топган шериклари, зобитлар йиғилади. Аскар йиғлаб воқеани ошкор қилади. Татар тилмоч бошини сарак-сарак қилиб аскарга танбеҳ беради:

— Узр сўрайсан, бошқа илож йўқ...

Юсуфбек ҳожини аскарлар турган пахта заводига олиб келадилар. Шунда нуроний Юсуфбекҳожи аскар гуноҳидан ўтганини билдириб, нодон йигитнинг оёғини силаб қўяди. Аскар дарҳол дарддан фориғ бўлади, оғриқ қолади. Бироқ кўп ўтмай, ҳозирги Шўрсув қишлоғи йўлида тоғ орасида қаттиқ жанг бўлади. Ўша аскарнинг жасадини шериклари отга ортиб қайтадилар.

Юсуфбек ҳожи авлодлари бугун эл-юрт хизматида. Хожадан Абдусалом, Тошматхон, Солиҳхон, Шаҳобиддин исмли ўғиллари; Салимахон, Обидахон исмли қизлари қолган. Солиҳхон қори юрт мустақиллигини кўриб, ўтган йили бандаликни бажо қилдилар. Солиҳхон қорининг ўғиллари Абдусаломхон, Нуъмонхонлар мустақилликдан кейин укаларини йиғиб, эл-юрт учун кўп хайрли иш — мебелсозликка киришди.

Одамлар кўпроқ яхшилардан ибрат олади. Буни қарангки, Яйпанда жуда кўп хонадонлар фарзандлари мебел ясашни ўргандилар. Эҳтиёж талабни юзага чиқаради. Сабаб натижани дунёга келтиради дейишади. Оз йиллар ичида шаҳримизда бўёқлар, мебел анжомлари бозорчаси пайдо бўлди. Яйпанликлар ясаган мебеллар мамлакатимизнинг Тошкенту Самарқанд, Навоий-ю Қашқадарё каби вилоятларида ҳам шуҳрат топди.

Президентимизнинг «Ақлни ишлатса, ҳар қанча мустақил иш қилса бўлар экан-ку» деган сўзлари шу ерда тўла рўёбга чиқди.

Юсуфбек хожанинг Абдуллажон, Шаҳобиддин деган неваралари ҳам ҳозир мебел усталари, элюртда ҳурматли мебелсоз.

Ҳеч бир иш ўзича бўлмайди. Бу зиёли, ҳунарманд хонадон тарихини юзага чиқишида бизга Абдулваҳоб Муҳаммад Сафо яқиндан ёрдам қилди. Эртанги кунимиз келажак авлод бизга ибрат назари билан боқиб турибди... Биздан нима қолади? Биз кимларни, нималарни эслаймиз?..



**Турсунали ПИРНАФАСОВ,**

**Ўзбекистон тумани**

## 1999-ХАЛҚАРО ҚАРИЯЛАР ЙИЛИ

***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси «Халқ сўзи» ва «Правда Востока» газеталари редакциялари билан биргаликда БМТ ташаббуси билан бу йил нишонланаётган Халқаро қариялар йилига бағишланган энг яхши асарлар учун танлов эълон қиладилар.***

***Танловдан мақсад — Ўзбекистон жамоатчилигини республикада яшаётган қарияларнинг аҳволидан кенгроқ хабардор қилиш, сиёсатчилар, тижоратчилар, олимлар, журналистлар, ноҳукумат ташкилотларнинг вакиллари эътиборини қарияларнинг аҳволини яхшилаш муаммоларига жалб этиш ва шу йўл билан қарилик муаммолари бўйича халқаро режада кўзда тутилган кенг кўламдаги мақсадларга эришишга ёрдам кўрсатишдан иборатдир.***

## ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

***Танловга БМТнинг ёши ўтган одамларга муносабатининг принциплари (ёндашувлари)га доир қуйидаги мавзулар ёритилган мақолалар, бадеалар, лавҳалар ва бошқа жанрлардаги асарлар қабул қилинади:***

- ***Қариялар ҳамма қатори, сифати талабга жавоб берувчи озиқ-овқат, сув, турар-жой, кийим-кечак, харид қилиш ва тиббий хизматлардан фойдаланишлари учун муайян даромадлар келадиган ишлар билан таъминланиши, қарияларга оила, жамоа (маҳалла) ғамхўрлик кўрсатиши зарур.***
- ***Ёши ўтган одамлар ҳам иложи борича аввалгидек жамоа ҳаётида фаол қатнашсинлар, уларнинг тажрибасидан фойдаланиш зарур.***
- ***Қарияларга ўзлари яшаётган жамиятнинг маънавий-маданий қадриятларига мувофиқ равишда оила, жамоа (маҳалла) томонидан ғамхўрлик кўрсатилиши зарур, чунки қариялар парвариш ва ҳимояга муҳтождирлар.***
- ***Ёши ўтган одамлар (қариялар) ўз қобилиятларини, салоҳиятларини иложи борича ҳар томонлама рўёбга чиқариш имкониятига эга бўлсинлар.***
- ***Қариялар (барча инсонлар қатори) мазмунли ва муносиб, яхши ҳаёт кечириш ҳуқуқига эгадирлар.***

***Танловда қатнашишни истовчилар шу эълон чиққан кундан бошлаб 1999 йилнинг 1 сентябрига қадар Ўзбекистон матбуот нашрларида босилган ўз асарларини (2 нусхада) қуйидаги адресга юборишлари мумкин. Охирги қабул куни 1999 йилнинг 5 сентябри. Танлов ғолиблари шу йилнинг 1 октябрида — Халқаро қариялар кунида эълон қилинади.***

*Янада тўлароқ маълумот олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилишлари мумкин:*
***Тошкент-700029, Шевченко кўчаси, 4,***
***БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси,***
***Ахборот маркази.***
***Тел: 1391462, 1394835***



**Ҳар кимники ўзига,**
**Ой кўринар кўзига**

# ЛАҚАБ?.. КЕРАК БЎЛГАНДА ҚАНДОҚ!

Кейинги йиллар аскиячилигимизда «лақабнинг кераги йўқ, у кишини таҳқирлашга сабаб бўлади», деган асоссиз гаплар пайдар-пай қулоққа чалиниб қолмоқда.

Лақаб ғоятда керак бўлганки, устозлар уни расм қилганлар.

Қўқондан ёш Йўлдошхон бир-икки гурунгларда дурустроқ пайров қилгач, устозлардан бири: «Энди сенам даврага қўшилсанг бўлади. Бироқ аввал сенга лақаб қўйишимиз керак», деган эканлар.

Йили ёдимдан кўтарилди, «Баҳор» концерт залида машҳур созанда ва аскиячи Ғанижон Тошматовнинг улуғ ёшга етганлик юбилейлари бўлиб ўтаётганди. Қутловлар расамади билан чиройли борди-ю, аммо аскияга гал келганда чатоқ бўлди: бепарда, бепаравуз, шалоғи чиққан суюқ гаплар, «эркак ҳаммом»нинг ўзгинаси бўлди. Ҳолбуки шу аснода ул зоти шарифнинг лақаби пайров қилинар ахир, деб кутгандим. Бироқ, таассуфки, ундай бўлмади.

Аския лақаб пайрави билан борса, ундан эркакдир, хотин-халаждир, баббаравар завқ ола билади.

Машҳур аскиячи Ғойиб ота айтиб берган эдилар:

«Бир йиғин баҳонасида Тошкентга келиб қолиб, Йўлдош Охунбобоевни истаб бордик: йўқ эканлар. Кейин биз тушган қўноқхонага ўзлари телефон қоқиб қолдилар. «Шундоқ, шундоқ, кечқурун албатта келасиз!» — дедилар. Мен эсам: «Бир ўзим борайми, ёки қаторлашиб борайликми?» — деб пайров қилдим. (У кишининг «туя» лақабларига ишорат.)

Усмон Юсупов Қўқонда бир тўй базмидан чиқиб қоладилар. Дарров ўтказишган. Ана шу топда у кишининг шофёри энгашиб ниманидир дегач, ўзини четга олган. Шунда аския қилиб турган Эрка қори:

— Ҳа, Усмонжон, шофёрингиз калитти сўрадими? — деган. (У кишининг иккинчи лақаби «кал»га ишорат).

Усмон ака ҳам шу заҳоти жавобини ёпиштирадилар:

— Калиттимас, кўритдан борми, деб сўради... (Қорининг лақабига ишорат).

Бир куни Расул қори, Абдулҳай махсумлар уч-тўрт киши бўлиб вагон купесида Тошкентга келишаётган экан. Бир вақт махсум қорига юзланиб:

— Ана, Тошкентга ҳам яқинлашиб қолибмиз, қори, — деган.

— Йўғ-е...

— Кўрмаяпсизми? (Қорининг лақабига ишорат).

Шунда Расул қори аззи-баззи ўрнидан туриб, дераза олдига боради ва:

— Ия, ҳали Шўртепада эканмиз-ку, — деб пайров қилади. (Махсумнинг «кал» лақабига ишорат).

Шунақа, азизлар. Салафларинг билган-билган. Пайровда ўртадан парда сира кўтарилмаган.

**Шарафиддин КЎНЧИ**

# ШАХМАТ ҲАҚИДА КИМ НИМА ДЕЙДИ?

**Шахмат ўйини одамларни сабр-тоқатга, ҳаётга жиддий қарашга, мияни оқилона машққа ўргатади. Ундан ҳаёт гўзаллигини тушуниш ва ҳаққониятни севиш куртаклари уйғонади. Унинг гўзал курашлари ақлни чархлайди. Шахмат кишининг ақл-идроки, иш қобилияти, характерининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, ўйлайманки, шахматга қизиққан, унга вақтини аямаган ўсмир-ёшлар бўш пайтини маънавиятни чалғитадиган турли нобоп ўйинлар ёки бошқа ҳаракатларга сарф қилмайди.**

**Ёлқин ТЎРАҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги**

* * *

**«Шахмат, унинг сир-асрорини билиш учун шунчалик куч-ғайрат сарфлашга арзийдими ўзи?» деб сўрашганларида ёш олимлар, зиёли кишилар: «Арзийди, — дейди, — чунки шахмат инсонга у сарфлаган кучдан кўра кўпроқ наф беради».**

**А. Ю. ИШЛИНСКИЙ,**
**академик, Меҳнат қаҳрамони**

* * *

**Менинг фикримча, аниқ мантиқий тафаккурни ўстиришда мантиқ дарслигидан фойдалангандан кўра, шахмат (жиддий керакли партияни назарда тутаяпман) билан шуғулланган маъқулроқ. Негаки, одам таълимнинг бошқа усулларига қараганда, ўйин жараёнида тузукроқ ўрганади. Чунки шахмат санъатида кураш унсури бор.**

**Г. КЛАУС,**
**немис файласуфи, кибернетика олими, профессор**

* * *

**Шахмат худди севги-муҳаббат сингари, мусиқадай кишиларни бахтли қила олади.**

**Зигберт ТАРРАШ,**
**шифокор, машҳур немис гроссмейстери**

* * *

**Шахматда буюк адолат бор. У янглиш учун бешафқат жазолайди, тадбир учун қувончлар ҳадя этади. Инсон заковати яратган мўъжизалар ичида шахмат санъати мангу ва бепоён ижодий майдондир. Шахматда мен шеъриятнинг, мусиқанинг, меъморлик ва рассомликнинг туғишган биродарини кўраман, турмушнинг чигал ва мураккаб, ҳаққоний ва бешафқат қонуниятларини ҳис этаман. Мен учун шахмат, аввало, ўзини тарбиялаш манбаи. Ҳаёт сўқмоқларида янглишмаслик, ягона тўғри йўлни топа билиш, мураккаб ҳолатларда тез ва теран фикр қила олиш, ҳар бир вазиятга тўғри баҳо бера билиш каби хислатларга бизни шахмат санъати ҳам ўргатади.**

**Эркин ВОҲИДОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

**Тўпловчи:**
**Анвар ИНОҚОВ,**
**шахмат бўйича спорт усталигига номзод**



**Сиз қандай изоҳлайсиз?**

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

# МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ



Оқлар бошлаб, тўрт юришда қораларни мот қилади.



Аёллар шахмат сурганда



Буниси ҳам шундай.
Оқлар тўрт юришда қора шоҳни мот қилади.

## БЎШ ЎТИРМА

Бир хил рақамлардан ташкил топган уч хонали сонни қуйидаги маълум бўлган еттита сонга кўпайтирганда, бир хил рақамлардан иборат олти хонали сонлар келиб чиқади.

Қани, ҳарфлар ўрнига рақамларни ким тўғри қўйиб чиқар экан?

**WWW x 143 = RRRRRR**
**WWW x 286 = FFFFFF**
**WWW x 429 = DDDDDD**
**WWW x 572 = GGGGGG**
**WWW x 715 = ZZZZZZ**
**WWW x 858 = LLLLLL**
**WWW x 1001 = WWWWWW**

**Тузувчи: ШАРОФ МИРЗАЕВ**

## *Газетамизнинг 8 июн сонида эълон қилинган бошқотирманинг жавоблари*

**БЎЙИГА: 1. Шоҳжаҳон. 2. Шарбат. 3. Анқара. 4. Баҳс. 5. Кармана. 6. Тева. 7. Акобир. 8. Ситора. 9. Навбаҳор. 15. Фарғона. 16. Исфаҳон. 19. Маёқ. 23. Амир. 25. Лаъл. 26. Олмос. 27. Ўксик. 29. Бодом. 30. Янтоқ. 33. Чағалай. 34. Ялла. 35. Намакоб. 37. Рўза. 39. Чанг. 41. Афросиёб. 45. Таржимон. 46. Бадбахт. 48. Қантар. 49. Питнак. 50. Риштон. 51. Тармоқ. 52. Тарх. 53. Қалб.**

**ЭНИГА: 2. Шона. 4. Бекат. 7. Аякс. 10. Ҳарб. 11. Ўтов. 12. Сомса. 13. Ҳут. 14. Асфандиёр. 17. Лавҳ. 18. Нома. 20. Ажр. 21. «Ффу». 22. Қаҳр. 24. Ғулжа. 26. Оққўрғон. 28. Офтобрўя. 31. Марсия. 32. Бидъат. 36. Саркарда. 38. Арғимчоқ. 40. Арава. 41. Араб. 42. Тол. 43. Куз. 44. Ўгит. 47. Ракс. 49. Пайғамбар. 51. Тўр. 52. Табоқ. 54. Иқта. 55. Имом. 56. Рашк. 57. Хитоб. 58. Нутқ.**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0517.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
*Навбатчи — Шерали НИШОНОВ*